

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК

Эгамназаров Хасанжон Абдулахатович

**Хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарнинг
инновацион фаолияти**

5А 231101 – Жаҳон иқтисодиёти

Магистр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
Проф. М.И.Алимарданов**

ТОШКЕНТ – 2013

Магистрлик диссертация иши «Ижтимоий соҳалар менежменти»
кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

_____ - сонли баённома « ____ » _____ 2013 й.

Илмий раҳбар: Проф. М.И.Алимарданов

имзо сана

Ташқи тақризчи:

имзо сана

Ички тақризчи:

имзо сана

Магистр: Эгамназаров Х.А.

имзо сана

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-боб. Инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари	9
1.1. Корхона инновацион фаолиятининг моҳияти ва асосий тушунчалари	9
1.2. Иқтисодиёт рақобатдошлигини таъминлашда саноат корхоналари инновацион фаолиятининг тутган ўрни	12
1.3. Саноат корхоналари рақобатбардошлигининг инновацион омиллари	17
1-боб бўйича хулоса.....	24
2-боб. Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини ривожлантириш омиллари ва хусусиятлари	26
2.1. Хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарини инновацион ривожланишига таъсир қилувчи омиллар	26
2.2. Ўзбекистонда машинасозлик саноати корхоналари инновацион фаолиятини ривожланиш хусусиятлари	32
2.3. Саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини ривожлантириш йўналишлари	38
2-боб бўйича хулоса.....	47
3-боб. Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари	50
3.1. Инновацион иқтисодиётга ўтишнинг асосий омиллари	50
3.2. Ўзбекистонда давлатнинг илмий-техник ва инновацион сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари	59
3.3. Саноат тармоқларини модернизация қилишда инвестиция сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари	67
3-боб бўйича хулоса.....	78
Хулоса ва таклифлар	80
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	88
Иловалар.....	94

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон молиявий инқирози давом этаётган айти дамда мамлакатимизнинг муваффақиятли ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлиги даражасини ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефть-газ ва нефть-кимё саноатини, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантириш олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи бўлиши даркор”.¹

Ҳозирги замон иқтисодиётида рақобатдошлик даражасини ошириш масаласига инновацион ёндашиш талаб этилади. Инновацион технологияларни, замонавий илмий ютуқларни саноат тармоқларига жадал жорий қилиш орқали жаҳон хўжалиги тизимида миллий иқтисодиётнинг ихтисослашувини кенгайтириш ва саноат ишлаб чиқариши таркибини диверсификация қилиш имконини берадиган янги рақобат устунликларини яратиш зарур.

¹ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

Халқаро рақобатга яхши бардош берувчи маҳсулотнинг кўп қисми нисбатан замонавий техника ва технологиядан фойдаланувчи, янги бошқарув ва ташкилий ечимларни жорий қилувчи ташкилотларда ишлаб чиқарилади.

Айрим ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётли мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, инновацион жараёни хорижий инвестициялар, лекин ҳар қандай эмас, балки узоқ муддатли ҳамда янги технологиялар ва замонавий менежмент билан бирга кириб келувчи инвестициялар ёрдамида жадаллаштириш мумкин. Ушбу мезонларга фақат бевосита хорижий инвестициялар жавоб беради.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарининг инновацион ривожланиши турли хил омилларга асосланган ўзаро боғлиқ жараёнларни ўзида намоён этади ва хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий самарадорлигига турлича таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан олганда хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарининг инновацион ривожланиш хусусиятлари, уларнинг инновацион фаоллигини ошириш ва такомиллаштиришнинг асосий омиллари ва йўналишларини ўрганиш долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон иқтисодиётида саноат тармоқларининг тутган ўрни, бу жараёнларда трансмиллий корпорацияларнинг фаолияти, молиявий инқирознинг таъсирини ўрганиш муаммолари хорижлик ва ўзбекистонлик олимлар томонидан ўрганилган ва ўрганилмоқда. Иқтисодиётнинг саноат тармоқларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистонга хос сиёсатнинг илмий-назарий, методологик асослари Президент И.А. Каримовнинг асарларида ҳар томонлама асослаб берилган. Улар мамлакат ҳаётида реал иқтисодиёт тармоқларининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва роли, саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳозлаш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича давлат сиёсати, усуллари, устувор йўналишлари, масалаларига бағишланган.

Хорижлик олимлар Bergesen A., Fernandez R. Роберстон Б., Баклей М., Мартин, россиялик олимлар Кондратьев В.Б., Авдокушин Е.Ф., Ливенцев Н.Н., Ломакин В.И., Кругман А., Губайдуллина Ф., Мовсеян А., Градобитова Л.Д., Исаченко Т.М. ва бошқа иқтисодчи олимлар жаҳон саноат маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденцияларини ўрганишда ўзларининг салмоқли ҳиссаларини кўшганлар.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Ғуломов С.С., Хикматов О.Х., Бекмурадов А.Ш., Алимов А.А., Махмудов Э.Х., Назарова Г.Г., Очилов М.Ф., Расулев А.Ф. ва бошқа иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида мазкур муаммонинг айрим томонлари таҳлил этилган.

Магистрлик диссертациясининг мақсади. Ишнинг асосий мақсади Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарининг инновацион фаолияти хусусиятларини таҳлил қилиш асосида уларнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари. Мавзунинг долзарблиги ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- саноат корхоналари инновацион фаолиятининг моҳиятини ўрганиш;
- иқтисодиёт рақобатдошлигини таъминлашда саноат корхоналари инновацион фаолиятининг тутган ўрнини аниқлаш;
- Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарини инновацион ривожланишига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;
- Ўзбекистонда саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини ривожлантириш йўналишларини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш сиёсатини такомиллаштириш йўналишларини ўрганиш;

- саноат тармоқларини модернизация қилишда инвестиция сиёсатини ривожлантириш истиқболларини ўрганиш.

Илмий изланишлар объекти ва предмети. Миллий саноат корхоналари тадқиқотнинг объекти ҳисобланади, уларнинг инновацион фаолиятини ривожланиш жараёнлари ва муносабатлари эса ишнинг предметини ташкил этади.

Тадқиқотнинг методологик асослари. Тадқиқот давомида тизимли, тизимли-функционал, қиёсий, иқтисодий-статистик таҳлил методлари, шунингдек муаммони микро ва макродаражада ўрганишни ўз ичига олувчи ёндашувлар қўлланилган, башорат ва баҳолаш усулларидадан фойдаланилган

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Ишда келтирилган назарий ва амалий таклифлар республикамиз саноат тармоқларининг инновацион фаоллигини ривожлантириш амалиётида қўлланиши мумкин. Шунингдек, магистрлик диссертацияси материалларидан «Жаҳон иқтисодиёти», «Халқаро иқтисодий муносабатлар» ва «Халқаро савдонинг ривожланиш тенденциялари» каби фанлардан маъруза матнлари тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги. Диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилиги қуйидагилардан иборат:

- саноат корхоналари инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари ўрганилган;
- иқтисодиёт рақобатдошлигини таъминлашда саноат корхоналари инновацион фаолиятининг тутган ўрни аниқланган;
- Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини ривожлантириш омиллари таҳлил этилган;
- машинасозлик саноати корхоналарининг инновацион фаолиятини ривожланиш хусусиятлари кўриб чиқилган;
- саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини ривожлантириш йўналишлари

- Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётга ўтишнинг асосий омиллари кўриб чиқилган;
- Ўзбекистонда давлат инновацион сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклифлар берилган.

Ишнинг тузилиши ва таркиби. Магистрлик диссертация кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат.

Магистрлик диссертациянинг «Инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари» деб номланган биринчи бобида корхона инновацион фаолиятининг моҳияти ва асосий тушунчалари, иқтисодиёт ва саноат корхоналари рақобатдошлигини оширишда инновацион фаолиятнинг аҳамияти ва асосий омиллари аниқланган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини ривожлантириш омиллари ва хусусиятлари” деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарини инновацион ривожланишига таъсир қилувчи омиллар, машинасозлик саноати корхоналари инновацион фаолиятини ривожланиш хусусиятлари, саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини ривожлантириш йўналишлари таҳлил этилган.

Ишнинг “Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари” номли учинчи бобида Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётга ўтишнинг асосий омиллари, давлатнинг инновацион ва инвестиция сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари кўриб чиқилган.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Магистрлик диссертациясида Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини ривожлантириш омиллари ва хусусиятлари назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилган ва таҳлил қилинган,

Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари бўйича умумий хулосалар берилган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси.
Магистрлик диссертациянинг хулоса қисмида тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, назарий ва амалий аҳамиятга эга хулоса ва таклифлар берилган.

1-БОБ. ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Корхона инновацион фаолиятининг асосий тушунчалари

Замонавий иқтисодий фанда инновация тушунчасига кўплаб таърифлар берилган. Инновация – бу фан ютуқларидан ва илғор тажрибадан фойдаланишга асосланган техника, технология бошқарув соҳасида янгилик киритиш, ва шунингдек бозорда тан олинган моддийлашган энг янги илмий ғоядир. Бу тушунчага янада кенгроқ ёндашиш ҳам мумкин: бу ғоялар, изланишлар, ишланмалар трансформацияси натижаси, ижтимоий ишончга кишиларнинг амалий фаолиятида қўллаш орқали интилувчи янги ёки такомиллаштирилган илмий-техник ёки ижтимоий-иқтисодий ечим. Менежментда инновациялар харидорлар томонидан янги ёки янада такомиллашган деб қабул қилинувчи нафларни таклиф этувчи товарлар ёки хизматларни яратиш ва тақдим этиш деб таърифланади. Бироқ, инновацияларга тегишли асосий хусусиятлар орасида қуйидаги тавсифларни ажратиш мумкин:

- янгилик;
- бозор талабини қондириш;
- тижорат орқали сотиш.

Янгилик нуқтаи назаридан инновацияларга қуйидагилар киради:

- бозорда сотиладиган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот;
- янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён;
- ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ва тижорат, молиявий ва бошқа

турдаги фаолиятни юритишнинг янги шакллари;

- янги бошқарув жараёнлари ва ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг янги ечимлари ва х.к.

Бозор талабини қондириш нуқтаи назаридан инновациялар қуйидаги турларга бўлинади:

1) эволюцион, улар мавжуд товарлар, хизматлар ва бошқаларни такомиллаштиришдан (модификациялаш) иборат ва бозорнинг таниш эҳтиёжларига жавоб сифатида яратилади; улар технология жиҳатдан ноёб ҳисобланмайди, лекин истеъмолчилар талабларини қондиришда жуда фойдали ва муваффақиятли ҳисобланади. Эволюцион инновациялар мавжуд таниш ечимни унинг тавсифларини яхшилаган ҳолда бозорга таклиф қилади;

2) революцион, улар янгилик киритишдан сўнг пайдо бўлиши мумкин бўлган эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган. Бундай инновация нисбатан кам ва кутилмаганда пайдо бўлади. Амалда улар янги бозорни яратади.

Кутилаётган фойдалар ва зарарларнинг ўзаро нисбати – у ёки бу инновацион ғояни амалга ошириш мезонидир. Янги илмий-техник ишланма, татбиқ этиш натижасидан олинadиган фойда, ишлаб чиқариш ёки ноишлаб чиқариш харажатларини иқтисод қилиш, материал сиғимини, энергия сиғимини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва бошқалар шаклида иқтисодий самара келтирмаса, инновация ҳисобланмайди.

Инновациялар – инновацион фаолият натижасидир. Инновацион жараён – бу инновацияларни амалга ошириш жараёни, тўпланган билимлар, технологиялар ва бошқаларни такомиллаштиришга қаратилган фаолият. Инновацион фаолият илмий-техник фаолиятдан фарқ қилади. Илмий-техник фаолият билимлар иқтисодиётини ўстиришга, инновацион фаолият эса уни тижоратлаштиришга, истеъмолчига етказишга йўналтирилган. Айнан хўжалик субъектларининг доимий инновацион фаолияти ривожланган мамлакатлар ва уларнинг минтақалари рақобатбардошлигини ошириш куроли ҳисобланади. Инновацияларни тижоратлаштириш – мамлакат иқтисодий ўсишининг кучли омили, чунки унинг натижалари бўлиб, меҳнат унумдорлигини ўсиши, ишлаб чиқариш ва бошқарув технологияларини такомиллаштириши, трансформация харажатларини қисқариши, барча турдаги ресурслардан унумлироқ фойдаланиш ва бошқалар ҳисобланади.

Техник қайта жиҳозлашни биринчи бўлиб амалга оширувчи корхона инновацион корхона деб номланади. Бу каби ишларни кейинроқ амалга оширувчи корхона такрорловчи (имитатор) корхона ҳисобланади.

Инновацион фаолият тараққиёти бир текис ривожланувчи жараён дир. Доим мазкур соҳада асосий қўшимча ўсишни таъминлаган етакчи тармоқлар, тармоқости соҳалар ва корхоналар мавжуд. Мамлакатда компанияларнинг инновацион фаоллик даражаси маҳсулотлар, хизматлар, технологик жараёнларнинг янги ёки такомиллаштирилган турларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш билан шуғулланувчи корхоналарнинг умумий корхоналар сонига нисбати сифатида аниқланади. Инновацион инфратузилма фундаментал ва амалий тадқиқотларни, лойиҳавий, тажриба-конструкторлик ва технологик ишланмаларни, лойиҳаларни бевосита амалга оширувчи ёки уларга хизмат кўрсатувчи, шунингдек илмий-техник фаолиятга молиявий, маркетинг, ахборот-маслаҳат, ҳуқуқий ва бошқа хизматларни кўрсатувчи, ўз функциялари ва мулкчилик шакллари бўйича турли кўринишдаги институционал тузилмалар тармоғини ифодалайди.

Ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатларда илмий-техник тараққиётнинг жадаллашиши ва тарқалиши миллий, минтақавий ва тармоқ даражасида инновацион тизимларнинг шаклланишига ва амал қилишига кўмаклашди. Инновацион тизим таркибига қуйидагилар киради:

- инновацион жараённинг бевосита иштирокчилари;
- инновацион фаолият билан шуғулланувчи ёки уни кўллаб-қувватловчи институтлар;
- давлат бошқарув органлари;
- инновацион фаолият олиб борилаётган муҳит;
- ушбу жараён иштирокчилари ўртасидаги ўзаро алоқалар;
- ахборот тарқатиш, технологиялар трансферти ва инновацияларни ёйиш каналлари;
- инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган барча ресурслар йиғиндиси сифатида инновацион салоҳият.

Жаҳон амалиёти иқтисодий ривожланишнинг иккита моделини ишлаб чиқди: 1) хомашё; 2) инновацион.

Хомашё моделини акс эттирувчи иқтисодиётда ЯИМ таркибида бирламчи сектор ва казиб олиш саноати устунлик қилади, ташқи иқтисодий алоқалар хомашё ва кам қайта ишлов даражасига эга товарлар экспорти, юқори технологик маҳсулот импорти устунлиги, халқаро иқтисодий муносабатларнинг мураккаброқ шакллари паст даражада ривожланганлиги, халқаро меҳнат тақсимоотида пассив рол, ишлаб чиқаришнинг заиф технологик жиҳозланганлиги, аҳоли турмуш даражасининг пастлиги ва иқтисодий қолоқлик билан тавсифланади.

Иқтисодий ривожланишнинг инновацион модели ЯИМда юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи қайта ишлаш саноати тармоқларининг, ва юқори технологиялар билан боғлиқ ҳолда кўрсатиладиган хизматлар соҳасининг устун бўлишини назарда тутди. Мамлакатнинг халқаро ишлаб чиқариш ихтисослашуви илғор характерга эга, корхоналар ташқи иқтисодий алоқаларнинг турли шаклларида фаол қатнашади, интеллектуал капитал етакчи роль ўйнайди, компаниялар активларида эса номоддий активлар юқори улушга эга. Мазкур моделни ривожланган мамлакатлар амалга оширадилар, ўтиш иқтисодиётли мамлакатлар ва энг яхши ривожланаётган мамлакатлар эса инновацион асосда иқтисодий ривожланишга интиладилар.

1.2. Иқтисодиёт рақобатдошлигини таъминлашда саноат корхоналари инновацион фаолиятининг тутган ўрни

Жаҳон бозорларидаги беқарорлик шароитида мамлакатимизни барқарор ривожлантириш вазифасини ҳал этишда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлаш масаласи устувор аҳамият касб этади.

Ҳозирги замон иқтисодиётида рақобатдошлик даражасини ошириш масаласига инновацион ёндашиш талаб этилади. Инновацион технологияларни, замонавий илмий ютуқларни саноат тармоқларига жадал

жорий қилиш орқали жаҳон хўжалиги тизимида миллий иқтисодиётнинг ихтисослашувини кенгайтириш ва саноат ишлаб чиқариши таркибини диверсификация қилиш имконини берадиган янги рақобат устунликларини яратиш зарур.

Маълумки, иқтисодиётнинг рақобатдошлиги турли шакл ва даражаларда намоён бўлади. Булар:

- ❖ мамлакат корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг рақобатдошлиги;
- ❖ мамлакат корхоналарининг (фирмаларининг) рақобатдошлиги;
- ❖ мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг рақобатдошлиги;
- ❖ миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги;
- ❖ мамлакатнинг рақобатдошлиги.

Маҳсулотнинг рақобатдошлиги унинг сифати ва нархига кўра шу турдаги бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотидан устунлиги билан белгиланади.

Фирмаларнинг рақобатдошлиги эса турдош, рақобатлашувчи корхоналарга нисбатан бир хил ёки ўрнини босувчи маҳсулотларни истеъмол характеристикалари бўйича сифатли ва пастроқ нархларда ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш имконияти билан белгиланади.

Фирмаларнинг рақобатдаги устунликларини бир қатор омиллар белгилаб беради. Буларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) миллий компанияларнинг ривожланиш даражаси;
- 2) макроиқтисодий бизнес муҳитнинг сифати².

Швейцариянинг Давос шаҳрида ҳар йили бўлиб ўтадиган Жаҳон иқтисодий форумининг иштирокчилари маърузаларида фирмалар даражасидаги рақобатдошлик тўртта асосий омил билан боғлиқ экани таъкидланади:

² Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт/ муаллифлар жамоаси: П.Алимов, А.Расулев, А.Қодиров ва бошқ. –Т.: Konsauditinform-Nashr. 2006, 14-б.

- ресурслар (мамлакатда корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши учун ресурсларнинг мавжудлиги, ҳажми ва сифати);

- ташқи рақобат;
- талаб;
- тармоқлараро алоқалар.

Худди шундай таърифни кенгайтирилган ҳолда тармоқларнинг рақобатдошлигига ҳам берса бўлади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлилиги – ҳалол рақобат шароитида жаҳон бозори талабларини қондирувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товарларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилиятидир.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги масаласи доимо иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Ушбу масаладаги замонавий назарияларнинг кўпига асос бўлган фикрлар М.Портернинг изланишларида ёритилган.

М. Портер мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлиги унинг ресурслар билан яхши таъминланганигагина боғлиқ эмаслигини, рақобат устунлигини шакллантириш, таъминлаб туриш мумкинлигини кўрсатиб берди ва унга мамлакат фирмаларининг рақобатдошлигини таъминлаш орқали эришилади, деган фикрни илгари сурди.

Рақобатдошликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг М.Портер концепциясига кўра, мамлакатнинг рақобат жиҳатдан устунликлари “миллий ромб”ни ташкил этувчи тўртта унсурдан иборат (1-расм).

Қуйида “миллий ромб” ни ташкил этувчи унсурларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Меҳнат, материал, билим, пул, инфратузилма ресурслари билан таъминланиш мамлакатнинг рақобатдошлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ресурсларнинг баъзилари олдиндан мавжуд бўлса, айримлари яратилади ва ривожлантирилади.

2. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорлардаги талабнинг ҳажми, таркиби ва уларнинг ўзгариши миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу маҳсулотларга талаб ҳажмининг ошиши миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини оширади ва аксинча.



1-расм. Мамлакатнинг рақобат жиҳатдан устунлигини ташкил этувчи унсурлар (М.Портернинг рақобат устунликлари ромби)

3. Рақобатдош ҳамкор тармоқларнинг мавжудлиги мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қиммат ресурсларни мамлакат ичидан топиш, маҳсулот етказиб берувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, янгиликларни жорий қилишга кўмаклашиш имконини беради. Минглаб бутловчи қисмларни талаб этувчи автомобилларни ишлаб чиқаришда рақобатбардош бўлиш шу қисмларнинг аксариятининг мамлакатда ишлаб чиқарилишини йўлга қўймасдан мумкин бўлмаганидек, кимёвий толалар, тугмалар ва сифатли бўёқлар ишлаб чиқарувчи корхоналар мамлакатда мавжуд бўлмаса, биргина пахта хомашёсининг мўл-кўллиги қўйлақ ишлаб чиқаришда рақобатдошликни таъминлаш учун етарли бўлмайди.

4. Фирмани бошқаришда рақобатнинг хусусиятлари эътиборга олинади. Бунда турлича стратегия ва мақсадлар ишлаб чиқилади. Ички бозорда кескин

рақобатнинг мавжудлиги фирмаларни ўз фаолиятини такомиллаштиришга, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ташқи бозорларга чиқишга ундайди. Кучли ички рақобат муҳитида тобланган фирмалар ташқи бозорларда ҳам осонроқ муваффақиятга эришади. Шу сабабли ҳукуматнинг мамлакат ичида эркин рақобат муҳитини яратиш, монополлашувга қарши курашиш каби чора-тадбирлари муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу тўрт унсурга ҳукуматнинг фаолияти ва тасодифий ҳолатлар таъсир кўрсатади.

Тасодифлар жумласига мамлакатни ривожлантиришнинг умумий шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлмаган, юзага келишига фирма ҳам, давлат ҳам таъсир кўрсата олмайдиган ҳодисалар киради. Уларга ихтирочилик, йирик технологик ютуқлар, ресурслар нархининг кескин кўтарилиши, жаҳон молиявий бозорлари конъюктураси ва алмашинув курсларининг, ташқи талабнинг кескин ўзгариши, чет эл ҳукуматларининг сиёсий қарорлари, урушлар ва табиий офатларни киритиш мумкин.

Ҳукумат миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ҳар тўрт унсурга таъсир кўрсатиш орқали шакллантиради ва ўзгартиради.

Демак, миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашуви ва диверсификациялашуви, бизнес юритиш учун яратилган шарт-шароитларнинг қулайлиги, мамлакат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талаб ҳажми, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислохотлар стратегияси қай даражада илмий асослангани ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олгани ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ, деб хулоса қилиш мумкин.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлиги тушунчаси билан бир қаторда мамлакатнинг рақобатдошлиги атамаси ҳам қўлланмоқда.

IMD (Лозаннадаги Менежмент ривожланиш институти) томонидан берилган таърифга кўра мамлакатнинг рақобатдошлилиги миллатнинг рақобатбардош бизнес юзага келадиган муҳитни яратиш ва таъминлаб туришига қодирлигидир.

Менежментни ривожлантириш институти берган ушбу таъриф кенг камровли бўлиб, унда давлатнинг рақобатдошликни таъминлашдаги роли катталиги ва фаол бўлиши зарурлиги ўз аксини топган. Чунки сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, фаол монетар ва фискал сиёсат олиб бориш, иқтисодиёт ва молия соҳасини тартибга солувчи қонунларни такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилишини такомиллаштириш, уни модернизация қилиш, инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш рақобатдош бизнес юзага келишининг ҳал қилувчи омилларидир.

“Замонавий рақобат курашида сўз, биринчи навбатда, ресурслар, моддий бойликларга эгалик тўғрисида эмас, балки янгиликларни жорий эта олиш қобилияти тўғрисида боради”.³

Янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, замонавий технологик ускуна ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг илғор усулларини амалиётга киритиш, янги бозорларга кириб бориш орқалигина глобал ўзгаришлар шароитида рақобатдошликни таъминлаб туриш мумкин.

1.3. Саноат корхоналари рақобатбардошлигининг инновацион омиллари

Халқаро рақобатга яхши бардош берувчи маҳсулотнинг кўп қисми нисбатан замонавий техника ва технологиядан фойдаланувчи, янги бошқарув ва ташкилий ечимларни жорий қилувчи ташкилотларда ишлаб чиқарилади. Умуман олганда инновацион маҳсулот яратувчи корхонанинг ташқи

³ Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш /ЎзР ФА Иқтисодиёт институти; А.Ф.Расулевнинг таҳрири остида, - Т.:KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011. 6-б.

иқтисодий алоқалари ривожланишида бир нечта узлуксиз босқичларни ажратиш мумкин:

1) биринчи босқичда компания технологик янгиликлар ва бошқа турдаги инновациялар амалга оширилган тайёр маҳсулотни экспорт қилади. Ҳозирги вақтда айнан илмталаб маҳсулотлар энг юқори рентабелликка эга бўлиб, уларни ишлаб чиқариш ИТТКИга юқори абсолют ва нисбий харажатлар билан боғлиқ. Мазкур босқичда экспортчи мамлакатда миллий даромад ўсади, иш жойлари сони кўпаяди ва х.к.

2) иккинчи босқичда инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш чет элда бевосита хорижий сармоялаш йўли билан фойда олади. Қабул қилувчи мамлакат янги технологияга эга бўлади. Экспортчи мамлакат учун янги бозорлар очилади, транспорт харажатлари иқтисод қилинади ва х.к.

3) учинчи босқичда технологияларни бевосита сотиш амалга оширилади. Бунда экспортчи мамлакатда мазкур технология эндиликда илғор ҳисобланмайди, лекин экспортчи мамлакатдан ўз иқтисодий ва технологик ривожига бўйича орқада қолаётган кўпчилик мамлакатлар учун илғор ҳисобланиши мумкин.

Босқичлар алмашинувининг сабаби – новатор корхонанинг ўз фойдасини кўпайтириш истагидир. Мазкур схема дастлаб трансмиллий корпорациялар (ТМК) мисолида ривожланди. ТМКлар аввал инновацион маҳсулотни экспорт қилиш, сўнгра у ёки бу рақобат устунлигига эга бўлган ва глобал оптималлаштириш тамойили бўйича танланадиган мамлакатларда ишлаб чиқариш филиалларини ташкил қилиш, кейин эса технологияларни лицензиялар шаклида турли ривожланаётган мамлакатлар корхоналарига бериш йўлидан борадилар.

Илғор технологиялардан фойдаланиш ва корхонанинг ишлаб чиқариш базасини модернизация қилиш инновацион асосда рақобатбардош ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўмаклашади. Бу ерда “янги иқтисодиёт” тармоқларининг, ахборот ва телекоммуникацион технологияларнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Айни улардан фойдаланиш янги

билимларнинг энг кўп қўшимча ўсишини ва жаҳон ҳамжамиятини тараққиётнинг янги сифат усулига – ахборот усулига ўтишини таъминлайди.

Айрим ривожланаётган ва ўтиш иқтисодий мамлакатлар (Хитой, Осиёнинг янги саноатлашган мамлакатлари, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ва бошқалар) тажрибаси кўрсатишича, инновацион жараёни хорижий инвестициялар, лекин ҳар қандай эмас, балки узоқ муддатли ҳамда янги технологиялар ва замонавий менежмент билан бирга кириб келувчи инвестициялар ёрдамида жадаллаштириш мумкин. Ушбу мезонларга фақат бевосита хорижий инвестициялар жавоб беради.

Айтиб ўтилган мамлакатлар қулай инвестицион муҳитни шакллантирдилар ва шакллантиришни давом эттирмоқдалар, экспортга йўналтирилган тармоқлар эҳтиёжларига жавоб берувчи ўз илмий тадқиқотлари ва ишланмаларини ривожлантириш суръатларини оширдилар. Ушбу мамлакатларнинг корхоналари сармояланган молиявий ресурслар негизида ишлаб чиқаришларни модернизация қилишни ўтказиб ва ўз илмий-тадқиқот ишланмаларини амалга ошириб, ташқи бозорга чиқа олдилар ва у ерда маълум ўринни эгалладилар. Шунингдек ТМКларнинг мазкур мамлакатларга кириб келиши ҳам инновацион ривожланишга ёрдам беради: филиаллар нафақат ишлаб чиқариш, балки илмий-техник тузилмалар сифатида ташкил этилади.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда ҳам бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини ошириш негизида миллий иқтисодийимизнинг жаҳон хўжалик тизимидаги ўрнини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди.⁴

⁴ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширмасдан, рақобатдош иқтисодиёт, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, ўрта муддатли истиқболда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишдек стратегик вазифани амалга ошириш мумкин эмаслиги Юртбошимиз томонидан таъкидлаб ўтилди.

Республикаimizда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлаш учун комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда (2-расм).

Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг таркибий тузилишида жиддий сифат ўзгаришлари амалга оширилди. Аввало, ёқилғи-энергетика саноатини ривожлантириш орқали энергетика мустақиллигига эришилди. Энергетика ва кейинчалик дон мустақиллигига эришиш иқтисодиётимизнинг ташқи таъсирларга бардошлилиги даражасини оширди.

Мамлакатимиз учун янги бўлган автомобилсизлик саноатининг барпо қилиниши бу тармоқ билан кооперация асосида ишловчи ўнлаб корхоналарнинг ташкил этилишига олиб келмоқда. Биргина ўтган 2011 йилда 221 минг 400 та енгил автомобиль, 964 та автобус ишлаб чиқарилди. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг хорижий мамлакатлар бозорларида рақобатдошлиги уларни экспорт қилиш кўлами кенгайишига асос бўлди.

Инвесторлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити иқтисодиётни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш дастурларини муваффақият билан амалга оширишга ижобий таъсир кўрсатди. Янгидан барпо қилинган ва модернизация қилинган корхоналарда рақобатдош, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ва иқтисодиётнинг рақобатдошлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатган чора-тадбирлар

Иқтисодиётда фаол таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. ЯИМ таркибида саноат ва хизматлар соҳасининг улуши ортди. Саноат маҳсулоти ва экспортнинг умумий ҳажмида кўшилган қийматнинг ҳиссаси юқори бўлган тайёр маҳсулотлар улуши ошди.

Саноат диверсификация қилинди. Республикамиз учун янги бўлган тармоқлар барпо этилди ва маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу маҳсулотлар импорт ўрнини босиши билан бирга, экспорт ҳажми ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Жаҳон бозоридаги конъюктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси жадал ривожлантирилди. Бу эса жаҳон моливий-иқтисодий инқирози шароитида ЯИМнинг барқарор ўсиши, янги иш жойлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишнинг муҳим омили бўлди.

Хомашё, материаллар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали мамлакат ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларининг ташқи бозорларга қарамлиги даражаси пасайтирилди, валюта ресурслари тежалди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи пасайтирилди.

Экспорт қилинаётган маҳсулотлар диверсификация қилинди, улар сотилаётган давлатлар сони кенгайтирилди. Бу чора-тадбирлар жаҳон бозоридаги конъюктура ўзгаришлари шароитида ҳам экспорт ҳажмини кўпайтириш, тўлов баланси барқарорлигин таъминлаш имконини берди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантиришга, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга инвестиция киритаётган, маҳсулот экспорт қилувчи корхоналар учун солиқ ва божхона имтиёзлари жорий қилинди, имтиёзли шартларда кредитлаш тартиби киритилди.

Товарлар ва хизматларга бўлган ички талабни кенгайтириш учун аҳоли даромадларини, хусусан, бюджет ташкилотларида ишловчиларнинг иш ҳақини ошириш чоралари кўрилди.

Ишлаб чиқариш (транспорт коммуникациялари, ахборот ва коммуникация технологиялари) ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш орқали бизнес юритиш шароитлари яхшиланди

Рақобатни ҳимоя қилиш, монополлашувга қарши кураш тизими барпо этилди.

Бизнесни, ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватловчи ва тартибга солувчи институтлар шакллантирилди

Макроиқтисодий барқарорлик таъминланди, инфляция, валюта курсининг девалвацияси суръатларининг паст бўлишига эришилди

Хорижий давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш чоралари билан бирга, ички бозорни, хусусан, мамлакат ишлаб чиқарувчиларини тенг бўлмаган рақобатдан ҳимолаш чоралари кўрилди.

2-расм. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш борасида қилинган ишларни ижобий баҳолаган ҳолда бу борадаги чора-тадбирлар кўламини узлуксиз тарзда кенгайтириш зарур эканини қайд этишимиз зарур.

Инновацион ривожланиш билан кўпинча “юқори технологиялар” тушунчасини боғлайдилар. Юқори технологик маҳсулотга аэрокосмик, фармацевтика каби тармоқларнинг маҳсулоти, шунингдек телевизион ва коммуникацион ускуналар, компьютерлар, аниқ, тиббиёт, оптик ускуналар ва асбоблар киради. Юқори технологик маҳсулотлар бозорларида анъанавий равишда етакчи иқтисодий ривожланган мамлакатлар – АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия ва Франция устунлик қилади. Жаҳон бозорининг айрим соҳаларида улар билан Жануби-Шарқий Осиёнинг янги саноатлашган давлатлари – Гонконг, Малайзия, Тайван, Сингапур ва Жанубий Корея компаниялари рақобатлашиши мумкин. Хитой (электрон ва радиотехник қурилмалар етказиб бериш) ва Ҳиндистон (дастур таъминоти ва фармацевтика маҳсулотлари савдоси) ўз мавқеларини мустаҳкамламоқда.

Жаҳон бозорларида у ёки бу инновацион маҳсулотнинг рақобат салоҳиятини тўла амалга ошириш учун инновацион ва халқаро маркетинг усулларида фойдаланиш зарур.

Инновацион ғояларнинг ва илмий-тадқиқот ишларининг хорижий харидорларини излаб топишда уларни бир нечта асосий мезонларга мувофиқ ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу мезонлар сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- компаниянинг инновацион устуворликлари;
- инновацияларни жорий қилиш тажрибаси;
- миллий ва жаҳон бозорларида фирманинг рақобат мавқелари;
- миллий тадқиқотчилар билан стратегик шерикликдан манфаатдорлик даражаси ва х.к.

Агар истеъмол бозорига инновацион маҳсулот билан чиқишга қарор қилинган бўлса, экспортчи корхона истеъмолчиларни инновацияга кўникиш вақтига қараб сегментларга ажратиши мумкин:

1) новаторлар (бозорнинг тахминан 2,5 %): таваккал қилишга тайёр ва биринчи бўлиб янгиликларни синайдилар. Уларнинг сони кам бўлишига карамай, айнан улар камроқ фаол бўлган харидорларга шахсий таъсир кўрсатадилар;

2) эрта эргашувчилар (13,5 %): лидерлар ролини ўйнайдилар, янги маҳсулотга кўникиш жараёнида уларнинг фикри ниҳоятда муҳим;

3) олдинги кўпчилик (34 %): кам ҳолларда лидерлик қиладилар, харид тўғрисидаги қарорни қабул қилишда эҳтиёткорликни сақлайдилар;

4) кейинги кўпчилик (34 %): янги чораларни қийин қабул қиладилар, инновацияларга иқтисодий ёки ижтимоий зарурат босими остида кўникадилар;

5) инерт (ўзгармас) истеъмолчилар (16 %): анаъаналарга содиқ бўлиб, янгиликларга хавотир билан қарайдилар, улар анъанага айланганидан сўнггина уларга кўникадилар.

Инновацион компания ўз саъй-ҳаракатларини истеъмолчиларнинг дастлабки икки нисбатан кам сонли гуруҳларига жамлаши керак, чунки айнан улар янгиликка ижтимоий муносабатни шакллантирадилар. Товарни жойлаштириш, нарх белгилаш, тарқатиш ва ҳаракатлантириш стратегиялари мазкур сегментга мос келиши керак.

Жаҳон бозорларида инновацион маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашда нафақат ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг саъй-ҳаракатлари, балки давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, у томонидан яратилаётган ишбилармонлик муҳити катта аҳамиятга эга. Шундай қилиб, рақобат иккидаражали хусусият касб этади. Экспортчи фирмалар томонидан бевосита рақобат кураши усуллари қўлланади. Давлатлар эса ўз корхоналарини бевосита ёки билвосита қўллаб-қувватлашни амалга оширадилар, уларнинг худудида амал қилаётган қонунчилик, молиявий, солиқ, таълим тизимлари ва бошқалар рақобатлашади.

1-боб бўйича хулоса

Замонавий иқтисодий фанда инновация тушунчасига кўплаб таърифлар берилган. Инновация – бу фан ютуқларидан ва илғор тажрибадан фойдаланишга асосланган техника, технология бошқарув соҳасида янгилик киритиш, ва шунингдек бозорда тан олинган моддийлашган энг янги илмий ғоядир. Бу тушунчага янада кенгроқ ёндашиш ҳам мумкин: бу ғоялар, изланишлар, ишланмалар трансформацияси натижаси, ижтимоий ишончга кишиларнинг амалий фаолиятида қўллаш орқали интилувчи янги ёки такомиллаштирилган илмий-техник ёки ижтимоий-иқтисодий ечим. Менежментда инновациялар харидорлар томонидан янги ёки янада такомиллашган деб қабул қилинувчи нафларни таклиф этувчи товарлар ёки хизматларни яратиш ва тақдим этиш деб таърифланади. Бироқ, инновацияларга тегишли асосий хусусиятлар орасида қуйидаги тавсифларни ажратиш мумкин:

- янгилик;
- бозор талабини қондириш;
- тижорат орқали сотиш.

Янгилик нуқтаи назаридан инновацияларга қуйидагилар киради:

- бозорда сотиладиган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот;
- янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён;
- ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ва тижорат, молиявий ва бошқа турдаги фаолиятни юритишнинг янги шакллари;
- янги бошқарув жараёнлари ва ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг янги ечимлари ва х.к.

Ҳозирги замон иқтисодиётида рақобатдошлик даражасини ошириш масаласига инновацион ёндашиш талаб этилади. Инновацион технологияларни, замонавий илмий ютуқларни саноат тармоқларига жадал жорий қилиш орқали жаҳон хўжалиги тизимида миллий иқтисодиётнинг ихтисослашувини кенгайтириш ва саноат ишлаб чиқариши таркибини диверсификация қилиш имконини берадиган янги рақобат устунликларини

яратиш зарур.

Халқаро рақобатга яхши бардош берувчи маҳсулотнинг кўп қисми нисбатан замонавий техника ва технологиядан фойдаланувчи, янги бошқарув ва ташкилий ечимларни жорий қилувчи ташкилотларда ишлаб чиқарилади.

Айрим ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётли мамлакатлар (Хитой, Осиёнинг янги саноатлашган мамлакатлари, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ва бошқалар) тажрибаси кўрсатишича, инновацион жараёни хорижий инвестициялар, лекин ҳар қандай эмас, балки узок муддатли ҳамда янги технологиялар ва замонавий менежмент билан бирга кириб келувчи инвестициялар ёрдамида жадаллаштириш мумкин. Ушбу мезонларга фақат бевосита хорижий инвестициялар жавоб беради.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарини инновацион ривожланишига таъсир қилувчи омиллар

Юртимизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграция жараёнининг фақат давлатнинг таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллашувини назарда тутди. Эркин бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шароит Ғарб ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга барқарор қизиқишини уйғотмоқда. Бугунги кунда бизнинг тадбиркорларимиз ҳам хорижий инвесторларни ҳамкорликка жадал жалб этмоқда.

Айни вақтда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар барпо этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олмоқда: корхонани ташкил этиш сабабларини инобатга олиш; ишончли шерик танлаш; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона барпо этиш ҳақида қарор қабул қилиш.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани ташкил этиш сабабларининг асосан уч туркумини ажратиш мумкин. Булар ички, ташқи ва стратегик сабаблардир.

Ички сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат: яратилган инвестиция муҳитидан фойдаланиш; бошқарувнинг янги усулларини ўзлаштириш; замонавий ва энг қулай тартибга эришиш; маҳаллий ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланишни кенгайтириш; хориж бозорига кириб боришни тезлаштириш; ижтимоий, маданий ва сиёсий билимларни кенгайтириш; ходимлар малакасини ошириш.

Ташқи сабаблар таркиби қуйидагича: жаҳон бозорига чиқиш; соғлом ва самарали рақобат муҳити; хорижий иқтисодий алоқаларнинг яхшилиги; маҳаллий ҳокимиятнинг талаблари.

Стратегик сабаблар таркиби қуйидагилардан иборат: мамлакатда замонавий иш юритиш усулларидан фойдаланиш имконияти; мустақкам хомашё базасига эга бўлиш; технологиялар трансферти; ишлаб чиқаришни кенгайтириш⁵.

Ўзбекистон саноатининг ривожланиш хусусияти саноат тармоқларининг қайта ишлаш соҳаларида фонд қайтими ва меҳнат унумдорлигининг жадал ўсиш тенденциясига эришганлиги ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигининг ўртача йиллик ўсиши саноат бўйича 2005-2011 йилларда 9 фоизни ташкил қилди. Машина қурилиши, енгил, озиқ-овқат тармоқларида ўсиш даражаси анча юқори бўлган (ўртача 15,4 фоиз), ёқилғи-мойлаш тармоқларида 3,4 фоизни ташкил қилди. Қайта ишланиш даражаси юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган тармоқларда фонд қайтими жадал ўсиш даражасида ижобий тенденция кузатилган. Бу тармоқларда фонд қайтими ўртача 1,8 марта, шу жумладан, машина қурилишида 2,0 марта, енгил саноатда 1,5 марта, озиқ-овқатда 1,7 марта ортган⁶.

Қайта ишлаш тармоқларида биринчи категорияли кучли рақобатбардош гуруҳга саноатнинг қуйидаги хом-ашё ва қазиб чиқариш секторлари киради (1-жадвал): нефть-газ, рангли металлургия, пахтани қайта ишлаш саноати. Ушбу тармоқлар ҳиссасига мамлакат саноат экспортининг 70 фоиздан ортиғи тўғри келади. Ташқи бозорда тармоқни рақобатбардошлигини акс эттирувчи кўрсаткич ҳисобланган умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмида экспорт маҳсулотлари улуши ўсиш тенденциясига эга: рангли металлургияда 72 дан 85 фоизга, қора металлургияда 28,2 дан 55 фоизга, нефтегазда 20,1 дан 47 фоизга, пахта тозалашда 87 дан 90 фоизга ўсган. Ушбу тармоқларнинг

⁵ Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 89-90-б.

⁶ Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов / отв.ред. М.П. Нарзикулов. –Ташкент: BaktriaPress, 2012. С. 28.

рақобатбардошлик индикатори бошқа ишлаб чиқариш турларига нисбатан анча юқори ҳисобланади.

1-жадвал. Ўзбекистонда рақобат афзаллигига эга бўлган саноат тармоқлари

Гуруҳлар	Иқтисодиёт секторлари	Иқтисодиёт тармоқлари	Рақобат афзалликлари
Кучли рақобат мавқеига эга бўлган тармоқлар	Хом ашё ва казиб чиқариш	Рангли металлургия, пахтани қайта ишлаш, нефть-газ, оғир саноат	Юқори рақобатбардошлик афзалликларига эга
Нисбий рақобатбардошлик мавқеига эга бўлган тармоқлар	Истемол товарлари ишлаб чиқариш	Машинасозлик, автомобилсозлик, енгил, кимё, озиқ-овқат	Нисбий паст рақобатбардошлик афзалликларига эга
Потенциал рақобатбардошлик мавқеига эга тармоқлар	Юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш	Микроэлектроника-ахборот комплекси, фармацевтика, микробиология	Потенциал ривожланган рақобатбардошлик афзалликларига эга

Иккинчи гуруҳ рақобатбардошлик салоҳиятига эга бўлган истемол товарлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган тармоқларга қуйидагилар киради: енгил саноатнинг қайта ишлаш тармоқчалари, озиқ-овқат саноати, автомобилсозлик. Маҳаллий истемол товарлари рақобатбардошлиги индекси хом ашё ишлаб чиқаришдаги шаклланган рақобатбардошлик кўрсаткичига нисбатан бирмунча паст. Умумий ишлаб чиқариш хажмида экспорт маҳсулотларини енгил саноатдаги улуши 35 фоиз, машинасозликда 25,5 фоиз, озиқ-овқат саноатида 5 фоиз. Ушбу тармоқларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлиги саноатнинг ўртача даражасидан тахминан 20-25 фоиз паст ҳисобланади⁷.

⁷ Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов / отв.ред. М.П. Нарзикулов. –Ташкент: BaktriaPress, 2012. С. 29.

Умуман олганда саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини пастлиги муаммоси сақланиб қолмоқда. Қайта ишлаш сектори тармоқларидаги асосий маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ички харажатлари жаҳондаги ўртача нарх даражасига яқинлашиб қолган ҳолда, баъзи маҳсулотлар турлари бўйича ўртача жаҳон баҳосига нисбатан юқори. Ушбу тенденция моддий техника ва энергетика харажатлари улушини юқори даражада сақланиб қолаётганлиги билан белгиланади.

Иқтисодиётнинг саноат тармоқлари инновацион фаоллигини ошириш ва рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга кенг жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Саноатда инновацион фаолият юрита оладиган кадрлар тайёрлаш, тармоқларда илғор технологияларга асосланган чуқур технологик модернизациялаш ва инновацион ривожлантиришни амалга ошириш, янги технологияларни яратиш имконини берувчи тизим билан характерланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганларидек: “Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012-2016-йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда

тутилмоқда”⁸.

Дарҳақиқат, мамлакатни модернизациялаш, саноат тармоқлар рақобатбардошлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иқтисодий ўсишини таъминлашда инновацион фаолиятни рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарининг инновацион ривожланиш йўналиши турли хил омилларга асосланган ўзаро боғлиқ жараёнларни ўзида намоён этади. Ушбу жараёнлар хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий самарадорлигига турлича таъсир кўрсатади.

Қўшма корхонанинг инновацион ривожланишига таъсир қилувчи салбий омиллар бошқа омилларнинг ижобий таъсирини пасайтиришига олиб келади, бундан ташқари, бир омилнинг таъсири муайян шароит ва ҳолатларга қараб турлича бўлиши мумкин. Таъсир қилувчи омилларнинг хилма-хиллиги уларни таснифлаш, яъни турли белгиларга қараб қуйидаги гуруҳларга тақсимлаш имконини беради:

- келиб чиқиш жойига кўра ташқи ва ички;
- таъсир этиш вақтига кўра доимий ва ўзгарувчан;
- аҳамиятлилик даражасига кўра бирламчи ва иккиламчи омилларга

ажратилади.

Саноат корхоналарида инновацияни ривожлантиришга бир вақтнинг ўзида бозор муносабатларининг субъекти ва объекти сифатида иштирок этиши, шунингдек у турли омиллар динамикасига таъсир этишнинг турли имкониятларига эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда уларни ички ва ташқи омилларга бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

Ички омиллар бевосита саноат корхоналари фаолиятини бошқаришда юзага келадиган тизим билан боғлиқ, ташқи омиллар эса корхоналарга деярли боғлиқ бўлмайди ва корхона уларга сезиларли таъсир кўрсатмайди.

⁸ Каримов И.А. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза \ “Халқ сўзи” газетаси, 2012 йил 20 январь.

Жумладан, саноат тармоқларида инновацияни ривожлантиришга таъсир этувчи ички омиллар қуйидагилардан иборат:

- мол-мулкнинг ҳолати (ўлчами, таркиби, тузилиши);
- молиявий ресурсларнинг ҳолати (ўлчами, таркиби, тузилиши);
- бошқариш салоҳияти (ташкилий, молиявий ва инновацион);
- кадрлар салоҳияти (ихтисослиги, мутахассислиги ва савияси);
- маркетинг салоҳияти (ички ва ташқи бозорлар);
- илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини ташкил этиш даражаси.

Айниқса, бекарор иқтисодиёт шароитида мамлакатдаги макроиқтисодий ҳолат барча тармоқларда юзага келадиган ноқулай вазиятнинг асосий сабаблари ҳисобланади. Ушбу саноат тармоқларида инновацияни ривожлантиришга таъсир этувчи ташқи омилларнинг асосийси ҳисобланиб, қолганлари қуйидагилардан иборат:

- инфляция, валюталар курсининг ўзгариши;
- солиқ, кредит-молиявий, божхона, суғурта, инвестиция сиёсати;
- мамлакатнинг илм-фан салоҳияти;
- тўлов қобилиятининг талаб даражаси ва динамикасининг ўзгариб туриши;
- ички ва ташқи талабнинг ўзгариши.

Фикримизча, саноат тармоқларида инновацияни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишда қуйидаги асосий ўзига хос хусусиятларни ажратиш лозим:

- ташқи ва ички омилларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- ташқи омиллар таъсирининг кучайиши ва уларнинг мураккаблиги;
- корхоналар фаолиятига таъсир этувчи омил тўғрисида ахборот ва унинг ишончлилиқ даражасидаги ноаниқлик, яъни ташқи ахборотлар қанчалиқ ноаниқ бўлса, у ёки бу ташқи омил қандай оқибатларга олиб келишини аниқлаш шунчалиқ қийин бўлади.

Саноат тармоқларида инновацион ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатувчи омилларга қарши курашиш ва инновацион фаолликни ошириш

мақсадида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, техника ва технологияларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш учун тўлиқ янги технологик жараёнларни яратиш ва қўллаш орқали маҳсулот сифатини ошириш, хом-ашёдан фойдаланишни яхшилаш ва хом-ашё базасини кенгайтириш;

- ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, техник ва иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида мавжуд тизимни такомиллаштириш;

- ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш даражасини ошириш, технологик жараёнларни бошқаришда автоматлашган тизимни яратиш;

- тармоқда ихтисослашув ва кооперация алоқаларини янги усулларида кенг фойдаланиш.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат саноат корхоналари инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш, мамлакат табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш, саноат корхоналарининг экспорт салоҳиятини ва мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятини ошириш, тармоқнинг фаолиятини барқарор ривожлантириш пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсишига имкон яратади.

2.2. Ўзбекистонда машинасозлик саноати корхоналари инновацион фаолиятини ривожланиш хусусиятлари

Юқори технологик инновацияларга инвестициялар иқтисодий ўсишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланиш билан бирга тадқиқотлар ва ишланмалар соҳасида лойиҳаларни молиялаштириш шарт-шароитлари ва уларнинг иқтисодиёт ривожланишидаги аҳамиятини акс эттиради.

Маълумки, инновацион тараққиёт ўзагини Ўзбекистон иқтисодиётининг энг динамик ўсиб бораётган тармоқларидан бири бўлган машинасозлик мажмуаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда таркибий ислохотларни амалга ошириш даврида машинасозлик ва унинг асосий тармоқларидан бири автомобилсозлик саноати йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

2010 йилда Ўзбекистон саноатида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоғининг улуши 16,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда унинг улуши 16,1 фоизни ташкил қилди ⁹ (2-жадвал).

2-жадвал. Саноат ишлаб чиқаришининг тармоқ таркиби (жамига нисбатан фоизда)

	Йиллар					
	2000	2005	2008	2009	2010	2011
Саноат	100	100	100	100	100	100
Электроэнергетика	8,5	11,3	8,6	8,9	8,4	8,9
Ёқилғи	15,3	16,2	20,1	21,5	19,7	17,5
Металлургия	11,4	19,4	15,5	14,1	14,7	13
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	9,9	13,0	16,2	16,2	16,2	16,1
Қурилиш материаллари	5,4	3,6	4,9	4,7	5,0	5,5
Енгил саноат	19,1	16,6	12,9	12,2	12,2	13,5
Озиқ -овқат саноати	13,3	8,2	10,6	11,2	12,6	14
Бошқалар	17,1	11,7	11,2	11,2	11,2	11,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Расмий маълумотларга кўра 2011 йилда Ўзбекистон саноатида 41,6 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ўсиш 2010 йилга нисбатан 6,3% ни ташкил қилди.¹⁰ Умумий саноат қутисига бўлган ҳисса бўйича муҳим тармоқларининг бешлигига ёқилғи саноати (17,5%), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (16,1%), озиқ-овқат (14%) ва енгил (13,5%) саноат, рангли ва қора металлургия (13%) кирди.

Ўзбекистон ҳукумати сўнгги йилларда мавжуд юқори технологик ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантиришни жадаллаштиришга ҳамда янги юқори технологик ишлаб

⁹ Ўзбекистан в цифрах, Статистический сборник. Госкомитет РУз. по статистике, Ташкент, 2011г. С.73-74.

¹⁰ www.stat.uz

чиқаришларни яратишга фаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бормоқда.

Олиб борилган тизимли ишлар ва оқилона инвестиция сиёсати туфайли ўтган 2011 йилда ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Хусусан, “Женерал Моторс Павертрэйн Ўзбекистон” қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль генератори ва компрессорлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди. Шулар қаторида “Зенит электроникс” қўшма корхонасида “Самсунг” кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айти пайтда маиший газ плиталари, кондиционерлар, электр пилесослар ва бир қанча бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.²

2012 йилда автомобиль саноатида Германиянинг дунёга машхур “МАН” компанияси билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида йилига 3 мингта юк автомобили ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги комплексни бунёд этишнинг иккинчи босқичи якунланди. Ушбу корхонада жаҳондаги энг юксак стандартлар асосида жиҳозланган юқори технологик ишлаб чиқариш ташкил этилди. Катта ҳажмдаги юкларни ташийдиган энг замонавий автомобиллар ишлаб чиқарадиган мазкур корхона нафақат мамлакатимиз эҳтиёжини қоплайди, балки бу машиналарни экспорт қилишни ҳам таъминлайди.¹¹

Инновацион фаолият иқтисодиёт ривожланишининг замонавий босқичида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда, чунки машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқаришни ўз вақтида модернизация қилишни, илғор технологияларни ўзлаштиришни, ресурстежамкорлик ва иқтисод қилишни таъминлайди, ва натижада маҳсулот рақобатбардошлигини ва ишлаб чиқаришнинг барқарорлигини аниқлаб беради.

² Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. //Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14.

¹¹ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

Инновацион фаолиятни тавсифлашда яратилган янги технологиялар, дастурий воситалар сони кўрсаткичи муҳим аҳамият касб этади. 2010 йилда мамлакат машинасозлик тармоғида ушбу кўрсаткичнинг 96,3% асбоб-ускуналарни харид қилишга, 3,7% саноат намуналарини қўллашга патентларга, лицензияларга ҳуқуқлар ташкил этди. Шунини таъкидлаш зарурки, республикада саноатида яратилган янги технологиялар, дастурий воситаларнинг умумий сонидан машинасозлик тармоғининг улуши 27,8%ни ташкил этади.

Инновацион фаолиятнинг натижавийлиги корхоналар ва ташкилотлар томонидан татбиқ этилган технологик инновациялар миқдори билан белгиланади. Ўтказилган тадқиқотлар кўрсатишича, 2010 йилда технологик инновацияларни татбиқ этган корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонининг 25,5 %, саноатда татбиқ этилган технологик инновацияларнинг умумий миқдорининг 30,5 % машинасозлик тармоғи корхоналарига тўғри келади.¹

Инновацион фаолиятнинг республика саноатида татбиқ этилган маҳсулотли инновацияларнинг миқдори каби кўрсаткичи тўғрисида гапирганда 2010 йилда машинасозлик тармоғининг улуши 35,7%ни ташкил этганлигини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоғида татбиқ этилган жараёнли инновациялар сонига келсак, бошқача вазият кузатилади (умуман республика саноати бўйича ушбу кўрсаткич даражасининг 14,7%и тўғри келади).

2010 йилда машинасозлик тармоғида татбиқ этилган технологик инновацияларнинг умумий миқдорида 87,8% маҳсулотли инновацияларга ва 12,2% жараёнли инновацияларга тўғри келади.

Замонавий шароитларда айнан илғор ва айниқса ўзимизнинг юқори технологик ишланмаларни самарали сармоялаш жуда долзарб ҳисобланади.

¹ Основные показатели развития научно-технического потенциала и инноваций Республики Узбекистан в 2010г. Статистический бюллетень. Госкомстат РУз. Ташкент, 2011г. с.139.

2010 йилда иқтисодиётнинг машинасозлик тармоғида корхоналар ва ташкилотлар томонидан татбиқ этилган технологик инновацияларнинг умумий миқдорининг 86,5% корхонанинг ўз кучлари, 13,5% – бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

Маҳсулотли ва жараёнли инновациялар бўйича мазкур кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоблари корхонанинг ўз кучлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва татбиқ этилган инновациялар сонининг ўзаро нисбати жиддий номуносибликларни намоён этади (мос равишда 89,2% ва 10,8%; 66,7% ва 33,3%).¹²

Машинасозлик тармоғи корхоналарининг инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш бевосита улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишда ва янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштиришда акс этади.

Ихтироларни, илмий-техник ишланмаларни патентлаш бўйича статистик маълумотлар кўрсатишича, 2010 йилда республика саноатида берилган патентларнинг умумий ҳажмида 15,4% машинасозлик тармоғига тўғри келади. Бу даврда ушбу тармоққа ихтироларни патентлашнинг 9%, саноат намуналарини патентлашнинг 11 %, фойдали моделларни патентлашнинг №№ % тўғри келади.

Жами ресурсларни илмий тараққиётнинг асосий йўналишларида жамлаш ушбу йўналишларни амалга оширишга қодир хўжалик субъектларининг интеграциялашиш даражасига боғлиқ. Машинасозлик тармоғида 2010 йилда технологик инновацияларга йўналтирилган харажатлар таркибини ўрганиш шуни кўрсатадики, 93,6% технологик инновациялар билан боғлиқ машина ва ускуналарни харид қилишга, 1,9% – янги технологияларни харид қилишга тўғри келади. Машинасозлик тармоғи корхоналари ва ташкилотларининг технологик инновацияларга ўз

¹² Э.Р. Ахмедова, М.Л. Мирзаева. Некоторые аспекты инновационного развития машиностроительного комплекса Узбекистана. «Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишининг институционал императивлари» Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. I-бўлим. Т.: ЎзФА Иқтисодиёт институти, 2012.

маблағлари ҳисобига харажатлари таркибида 92,6 %ни машина ва ускуналарни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар ташкил этади.

Машинасозлик тармоғи корхоналари ва ташкилотларининг технологик инновацияларга хорижий сармоялар ҳисобига харажатлари таркибида технологик инновациялар билан боғлиқ машина ва ускуналарни харид қилиш харажатлари устунлик қилади.

Иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларини шакллантириш инновацион фаолликни ривожлантиришни, энг аввало ҳозирги шароитларда тез ўзгараётган бозор конъюнктурасини ҳисобга олган бозорга машиналарнинг техник-технологик, базавий тизимларини, янги турдаги маҳсулотларни тизимли йўналтиришни талаб қилади. Инновацион фаоллик барча бошқарув даражаларида ва айниқса микродаражада ишлаб чиқиладиган тегишли инновацион сиёсат ва стратегияни тақозо этади.

Таъкидлаш зарурки, инновацион маҳсулотни, патентларни, интеллектуал мулк объектларига эгалик ҳуқуқларини сотишдан, шунингдек ИТТКИ ва инновацион технологияларга тўғри ва портфел сармоялардан олинадиган фойдадан ажратмалар кўринишида инновацион-инвестицион ресурсларни олиш учун керакли шарт-шароитларни яратиш муҳим. Шу сабабдан такрор ишлаб чиқаришнинг инновацион-инвестицион жараёнлари билан боғлиқ ўзаро молиявий, кредит ва бюджет муносабатларининг бутун тизимида меъёрий-ҳуқуқий базани ривожлантириш ва мустаҳкамлаш зарурдир.

Ўзбекистон машинасозлик мажмуасига капитал ҳосил қилувчи сармоялар оқими умуман мамлакат иқтисодиётининг технологик базасини ривожлантириш учун тармоқнинг ресурсно-технологик салоҳиятидан фойдаланиш имконини беради. Иқтисодий ўзгартиришлар жараёнида илғор замонавий технологиялардан фойдаланувчи, нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи тугалланган технологик циклга эга ишлаб чиқаришлар устун ўринни эгаллаши зарур.

2.3. Саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятини ривожлантириш йўналишлари

Ҳозирги вақтда халқаро рақобатбардош маҳсулотнинг кўп қисми нисбатан замонавий техника ва технологиядан фойдаланувчи, янги бошқарув ва ташкилий ечимларни жорий қилувчи ташкилотларда, шу жумладан саноат корхоналарида ишлаб чиқарилади. Умуман олганда инновацион маҳсулот яратувчи корхонанинг ташқи иқтисодий алоқалари ривожланишида бир нечта узлуксиз босқичларни ажратиш мумкин:

1) биринчи босқичда компания технологик янгиликлар ва бошқа турдаги инновациялар амалга оширилган тайёр маҳсулотни экспорт қилади. Ҳозирги вақтда айнан илмталаб маҳсулотлар энг юқори рентабелликка эга бўлиб, уларни ишлаб чиқариш ИТТКИга юқори абсолют ва нисбий харажатлар билан боғлиқ. Мазкур босқичда экспортчи мамлакатда миллий даромад ўсади, иш жойлари сони кўпаяди ва х.к.

2) иккинчи босқичда инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш чет элда бевосита хорижий сармоялаш йўли билан фойда олади. Қабул қилувчи мамлакат янги технологияга эга бўлади. Экспортчи мамлакат учун янги бозорлар очилади, транспорт харажатлари иқтисод қилинади ва х.к.

3) учинчи босқичда технологияларни бевосита сотиш амалга оширилади. Бунда экспортчи мамлакатда мазкур технология эндиликда илғор ҳисобланмайди, лекин экспортчи мамлакатдан ўз иқтисодий ва технологик ривожи бўйича орқада қолаётган кўпчилик мамлакатлар учун илғор ҳисобланиши мумкин.

Босқичлар алмашинувининг сабаби – новатор корхонанинг ўз фойдасини кўпайтириш истагидир. Мазкур схема дастлаб трансмиллий корпорациялар (ТМК) мисолида ривожланди. ТМКлар аввал инновацион маҳсулотни экспорт қилиш, сўнгра у ёки бу рақобат устунлигига эга бўлган ва глобал оптималлаштириш тамойили бўйича танланадиган мамлакатларда ишлаб чиқариш филиалларини ташкил қилиш, кейин эса технологияларни

лицензиялар шаклида турли ривожланаётган мамлакатлар корхоналарига бериш йўлидан борадилар.

Илғор технологиялардан фойдаланиш ва корхонанинг ишлаб чиқариш базасини модернизация қилиш инновацион асосда рақобатбардош ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўмаклашади. Бу ерда “янги иқтисодиёт” тармоқларининг, ахборот ва телекоммуникацион технологияларнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Айни улардан фойдаланиш янги билимларнинг энг кўп кўшимча ўсишини ва жаҳон ҳамжамиятини тараққиётнинг янги сифат усулига – ахборот усулига ўтишини таъминлайди.

Жаҳон бозорларида у ёки бу инновацион маҳсулотнинг рақобат салоҳиятини тўла амалга ошириш учун инновацион ва халқаро маркетинг усулларида фойдаланиш зарур.

Инновацион ғояларнинг ва илмий-тадқиқот ишларининг хорижий харидорларини излаб топишда уларни бир нечта асосий мезонларга мувофиқ ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу мезонлар сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- компаниянинг инновацион устуворликлари;
- инновацияларни жорий қилиш тажрибаси;
- миллий ва жаҳон бозорларида фирманинг рақобат мавқелари;
- миллий тадқиқотчилар билан стратегик шерикликдан манфаатдорлик

даражаси ва х.к.

Агар истеъмол бозорига инновацион маҳсулот билан чиқишга қарор қилинган бўлса, экспортчи корхона истеъмолчиларни инновацияга кўникиш вақтига қараб сегментларга ажратиши мумкин:

1) новаторлар (бозорнинг тахминан 2,5 %): таваккал қилишга тайёр ва биринчи бўлиб янгиликларни синайдилар. Уларнинг сони кам бўлишига қарамай, айнан улар камроқ фаол бўлган харидорларга шахсий таъсир кўрсатадилар;

2) эрта эргашувчилар (13,5 %): лидерлар ролини ўйнайдилар, янги маҳсулотга кўникиш жараёнида уларнинг фикри ниҳоятда муҳим;

3) олдинги кўпчилик (34 %): кам ҳолларда лидерлик қиладилар, харид тўғрисидаги қарорни қабул қилишда эҳтиёткорликни сақлайдилар;

4) кейинги кўпчилик (34 %): янги чораларни қийин қабул қиладилар, инновацияларга иқтисодий ёки ижтимоий зарурат босими остида кўникадилар;

5) инерт (ўзгармас) истеъмолчилар (16 %): анаъаналарга содиқ бўлиб, янгиликларга хавотир билан қарайдилар, улар анъанага айланганидан сўнггина уларга кўникадилар.

Инновацион компания ўз саъй-ҳаракатларини истеъмолчиларнинг дастлабки икки нисбатан кам сонли гуруҳларига жамлаши керак, чунки айнан улар янгиликка ижтимоий муносабатни шакллантирадилар. Товарни жойлаштириш, нарх белгилаш, тарқатиш ва ҳаракатлантириш стратегиялари мазкур сегментга мос келиши керак.

Жаҳон бозорларида инновацион маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашда нафақат ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг саъй-ҳаракатлари, балки давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, у томонидан яратилаётган ишбилармонлик муҳити катта аҳамиятга эга. Шундай қилиб, рақобат иккидаражали хусусият касб этади. Экспортчи фирмалар томонидан бевосита рақобат кураши усуллари қўлланади. Давлатлар эса ўз корхоналарини бевосита ёки билвосита қўллаб-қувватлашни амалга оширадилар, уларнинг ҳудудида амал қилаётган қонунчилик, молиявий, солиқ, таълим тизимлари ва бошқалар рақобатлашади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, корхона унумдорлигини ошириш ва экспортини кўпайтиришнинг муҳим омилларидан бири инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобланади. Корхона инновацион фаолиятини ва ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш мақсадида унинг инновацион имкониятларини баҳолаш таклиф этилади. Корхонанинг инновацион имкониятлари 10 та омил бўйича ўрганилади, уларнинг ҳар бири 10 баллик тизим бўйича баҳоланади. Омиллар чекланган ресурслари билан корхонанинг имкониятларини тавсифловчи гуруҳларга ажратилган. Ушбу

методика бўйича ҳисоб-китоблар кўрсатишича, Ўзбекистон мева шарбати ишлаб чиқарувчи «Green world» компаниясининг инновацион имкониятлари 67 баллни ташкил қилди (3-жадвал). Бу унчалик юқори кўрсаткич эмас ва «Green world» компанияси ишлаб чиқариш фаолиятини инновациялар асосида модернизация қилиш, яъни концентратлар кўринишида янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, уларни экспорт қилиш орқали корхона фаолияти самарадорлигини янада ошириш мумкин.

3-жадвал. «Green world» компаниясини ўрганиш натижалари

Омиллар	Баллардаг и баҳо
Рақобат Тармоқда барқарор ҳолат Ички бозорда фақат нарх рақобати Маҳсулот нархлари импорт маҳсулотлардан кам.	8
Тармоқни тузилмавий қайта қуриш имконияти Ички бозорда шарбатлар ишлаб чиқаришда етакчи бўлиш эҳтимоли катта	9
Инновацион фаолият оқибатлари Сифатли ва арзон қийматга эга маҳаллий шарбатлар билан таъминлаш	8
Ички маркетинг имкониятлари Қурилаётган дистрибьюторлик тизими	5
Ички ишлаб чиқариш имкониятлари Ишлаб чиқариш ускуналари мавжуд, уларни модернизация қилиш талаб қилинади	6
Илмий-техник база Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш , замонавий материалларни ишлатиш зарур. ISO 9001 сертификати мавжуд	5
Ҳомашё базаси Маҳаллий ҳомашё, лекин барқарор таъминот мавжуд эмас.	4
Ходимлар Юқори малакали, ўзгаришларга қодир	9
Ўз маблағларининг мавжудлиги Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар – шарбатлар тўлиқ сотилган ҳолатда	8
Ташкилий-ишлаб чиқариш тузилмаси Маҳсулот асосида	5
Жами баллар	67

Манба: Назарова Р.Р. Управление внешнеэкономической деятельностью в Узбекистане на основе инновационного развития в условиях глобализации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук..Т.: ТГЭУ, 2011. С.32.

Мавжуд илмий-техник салоҳиятдан самарали фойдаланиш фақат изчил ва узлуксиз амалга ошириладиган илмий-техник сиёсат ёрдамида бажарилиши мумкин. Мазкур сиёсат республиканинг реал ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларига мос келиши ва уни ривожлантиришнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга қаратилган бўлиши керак. Ишлаб чиқаришнинг жадаллаштирилган модернизацияси, корхоналарнинг техник ва технологик фойдаланиш асосида замонавий қувватларни яратиш бугунги кунда жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга имкон беради.

Инновацион-технологик ривожланиш катта молиявий маблағларни ва маълум вақтни талаб қилади. Бу жиҳатдан устуворликлар иқтисодийнинг халқаро савдода анъанавий устунликларга эга тармоқларини жадал ривожлантиришга берилади. Бу қишлоқ хўжалиги ва минерал хомашёни ишлаб чиқариш ва чуқур қайта ишлов бериш бўйича меҳнат ва ресурсталаб тармоқлардир. Инновацион ривожланишнинг амалга оширилиши ҳар бир алоҳида тармоққа нисбатан мақсадга йўналтирилган саноат сиёсатини назарда тутди. Илмий-техник салоҳиятнинг самарадорлиги муаммосини ҳал этишда юқорисамарали илмий-техник маҳсулотни ишлаб чиқишнинг ҳар бир бўғинида – ғоялар, тажрибавий намуна туғилишидан бошлаб то уларни ишлаб чиқаришга жорий этишгача ва маълум бир иқтисодий самара олишгача бўлган соҳадаги ишларни фаоллаштиришга куч-қувват ва маблағларни тўплаш алоҳида аҳамиятга эга.

4-жадвалда илмий-техник ишланмаларга харажатларнинг баҳоси келтирилган бўлиб, биз саноатда технологик инновацияларга харажатлар таркибида амалий тадқиқотлар устунлик қилишини (34,2 % дан 48,6 % гача), фундаментал тадқиқотларга харажатлар эса атиги 18,5 %ни ташкил қилишини (ривожланган мамлакатларда тескари нисбат) кўришимиз мумкин¹³. Бунинг оқибатида янги маҳсулотни ўзлаштиришнинг паст ўсиши кузатилади.

¹³ Карачаровский В. Конкуренция капитала и новая экономика // Экономист. 2012. №12.

**4-жадвал. 2001-2011 йилларда илмий-техник ишланмаларга
харажатлар таркибининг ўзгариши, % да**

Кўрсаткичлар	2001	2003	2005	2007	2008	2009	2010	2011
Тадқиқотлар ва ишланмаларга жами харажатлар	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан: фундаментал	13,0	10,8	13,3	10,7	15,8	16,7	18,5	27,8
Амалий	34,2	40,8	42,1	44,1	47,2	48,6	47,3	45
инновацион	32,5	27,7	26,0	23,2	27,5	29,6	28,1	27,2

Манба: Карачаровский В. Конкуренция капитала и новая экономика // Экономист. 2012. №12.

Миллий иқтисодиётнинг устувор йўналиши сифатида инновацион фаолиятни кейинги ривожлантириш мақсадларида иқтисодий сиёсатни янги технологик укладни шакллантиришнинг асосий йўналишларида миллий рақобат устунликларини ошириш ва мамлакатнинг мавжуд молиявий, ахборот ва интеллектуал ресурсларини жамлаш томонига ўзгартириш мақсадга мувофиқдир.

Шуни таъкидлаш зарурки, илмий-тадқиқот ишларни амалга ошириш кўплаб моддий-техник ва меҳнат харажатларини талаб қилади. Ўзбекистонда 2000-2008 йилларда уларнинг ҳажми 6 мартадан зиёд кўпайди. Шу билан бирга мазкур соҳа ҳозирча киритилган маблағларга мос натижани таъминлай олмайди. Ҳақиқатда харажатларнинг олинган натижалардан ортиқ бўлиш тенденцияси кузатилади. Масалан, 2000 йилда 1 сум натижа олиш учун 1,389 сўм харажат қилинган бўлса, 2007 йилда – 1,094 сўм, 2008 йилда эса – 1,062 сўм харажат қилинган (5-жадвал).

Саноатда инновацияларни ривожлантиришда фойдаланилмаган қўйидаги имкониятлар мавжуд: сотилган саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида инновацион маҳсулот улуши 2,8 фоизни ташкил этади.

Саноат ишлаб чиқаришини умумий ҳажмида юқори технологик маҳсулот ишлаб чиқариш улуши 2011 йилда 10,8 фоизни ташкил этди. Бу эса

саноат жиҳатдан тараққий этган мамлактларга нисбатан паст ҳисобланади (30-35 фоиздан кам эмас)¹⁴.

5-жадвал. Ўтказилган илмий-тадқиқот ишларига кетган харажатлар

Йиллар	Бажарилган ИТИ ҳажми, млн. сўм	ИТИ бажаришга кетган харажатлар, млн. сўм	Харажат сиғими коэффициенти
2000	5832,1	8100,8	1,389
2005	22554,3	24667,2	1,094
2006	28922,8	28493,4	0,985
2007	40894,3	39849,0	0,974
2008	46011,6	48873,6	1,062
2005-2008 йй.да ўртача	138 383,0	141 883,2	1,025

Манба: “Основные показатели развития научно-технического потенциала и инноваций Республики Узбекистан за 2000, 2005-2008гг” статистик бюллетень маълумотлари асосида тузилган.

Юқори технологик секторнинг ривожланишида радиосаноат, ҳисоблаш техникаси саноати, тиббий, физиология ва биология асбоблари, оптик ва оптик-механик асбоблар ва аппаратуралар, технологик жараёнларни назорат қилиш ва тартибга солиш асбоблари, физикавий, микробиология саноати, кимёвий тола ва иплар тадқиқоти учун асбоблар ишлаб чиқаришнинг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Ушбу ҳолат саноатнинг умумий рақобатбардошлик даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда мамлакат саноати етакчи ўрин тутди. Шунинг учун мамлакат саноатнинг рақобатбардошлигини ошириш ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

- технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳамда ҳом ашё, материал ва энергия ресурслари сарф меъёрини 10-15% га тушириш ҳисобига таннархни пасайтириш ва ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, 2015

¹⁴ Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов / отв.ред. М.П. Нарзикулов. –Ташкент: BaktriaPress, 2012. С. 30.

йилга бориб саноатда сарфланадиган энергия улушини камида 30% камайтириш¹⁵;

- ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ва саноат бўйича йилига меҳнат унумдорлигини 6-7% га ошириш, фойдаланиш ва ноишлаб чиқариш харажатларни қисқартириш, ходимлар сонини оптималлаштириш;

- саноат тармоғида фаолият кўрсатаётган йирик корхоналардаги маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш воситаларини янгилашни жадаллаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини янада модернизациялаш ҳамда корхоналарда жаҳон андозаси талаблари даражасида муваффақиятли синовдан ўтган замонавий технологияларни жадал жорий этиш;

- ишлаб чиқаришни самарали диверсификациялашуви ва анъанавий тармоқлар экспортини (нефть-газ саноати, рангли металлургия, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, шу жумладан пахтани) таъминловчи хом-ашё ресурсларини қайта ишлашни чуқурлаштириш йўналишларига инновацияни қўллаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар иштирокида фан сиғимкорлиги юқори бўлган, юқори технологик лойиҳалар доирасида инновацияларни молиялаштириш Фондини яратиш;

- йирик корхоналарга инвестицияларни жалб қилиш ва юқори технологик маҳсулот экспортини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали халқаро инновацион ҳамкорликка жалб қилиш механизмларини яратиш;

- маҳаллий маҳсулотлар сотиш бозорларини ўрганиш ва уларнинг мос бозор сегментларидаги ўрнини аниқлаш йўналишида маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш;

- бозор “сигналлари”ни доимий мавжуд масштаби ва турли хил товар ва хизматларга истиқболдаги талаби, уларнинг техник, иқтисодий ва

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 126-б.

эксплуатацион даражасига талаблар мониторингини (ички ва ташқи) ташкил этиш;

- технологиялар трансферти соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш;

- юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун божхона қонунчилигини ва маъмурчилигини такомиллаштириш;

- корхоналар молиявий фаолияти самарадорлигини ошириш: саноат тармоқлари корхоналари таркибининг молиявий менеджер ва бошқарувчилари тайёрлаш даражаларини ошириш¹⁶.

Илмий-техник соҳада хорижий иштирокнинг самарали шакли бўлиб кўшма инновацион тузилмаларни тузиш ҳисобланади. Айни вақтда тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш уларни маълум даражада чеклаш билан бирга олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, ишлаб чиқариш инфраструктурасини (энергия тармоғи, қувурўтказгичлар, телекоммуникациялар, йўлдош ва махсус алоқалар ва х.к.) ривожлантиришга қаратилган илмий-техник ва тажриба конструкторлик тузилмаларда ва ишланмаларда хорижий шерникларнинг иштирок этишини чеклаш зарур. Ушбу соҳаларда хорижий иштирокнинг бошқа шаклларида, масалан хорижий кредитлар ва қарзлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг фикримизча, инновацион сиёсатнинг инновацион йўналтирилганлигини кучайтириш ва уни фаоллаштириш қатор кечиктириб бўлмайдиган қуйидаги вазифаларни кўзда тутати:

- ихтирочилик ва новаторликни ҳар томонлама иқтисодий қўллаб-қувватлаган ҳолда илмий-техник дастурларни амалга оширишнинг инновацион-мотивацион механизмларини такомиллаштириш;

- “фан-ишлаб чиқариш” замонавий тизимини шакллантириш, бунда унинг алоҳида бўлинмаларини (тадқиқот, конструкторлаш, ишлаб чиқиш,

¹⁶ Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов / отв.ред. М.П. Нарзикулов. –Ташкент: BaktriaPress, 2012. С. 30-31.

ишлаб чиқаришга жорий этиш ва ўзлаштириш) сармоялаш таркибини жиддий яхшилаш кўзда тутилади;

– Фундаментал тадқиқотларни ривожлантиришга йўналтирилаётган инвестициялар улушини кўпайтириш.

Иқтисодий ўсишнинг илғор ҳолатларига чиқиш фақат инвестицион ва инновацион мажмуаларнинг ўзаро фаол ҳаракатланишида мумкин бўлади. Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб ҳозирги вақтда инвестицион ва инновацион бозорларни шакллантириш, шунингдек уларнинг ўзаро ҳаракатланиш механизмларини яратиш ҳақиқатга айланди. Инвестицион-инновацион механизмнинг муҳим унсурлари бўлиб, дастурлар ва лойиҳаларни моддий-техник, молиявий ва инсон ресурслари билан таъминлаш ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг инновацион турга ўтиши унинг бутун ташкиллаштиришни ўзгартириш ва илмий-техник тараққиётни бошқариш механизмини сифат жиҳатдан такомиллаштиришни назарда тутди. Бизнинг фикримизча, умумдавлат даражасида қуйидаги жамғармаларга эга бўлиш зарур: қабул қилинган илмий-тадқиқот муассасаларини ҳисобга олган ҳолда ташкилотларни молиялаштириш; илмий-тадқиқот ва илмий-техник дастурларни молиялаштириш ва энг муҳим янгиликларни ўзлаштириш ва тарқатишга кўмаклашиш.

Тармоқ даражасида илмий-тадқиқот лойиҳалари, илмий-техник дастурлар, энг муҳим маҳсулотларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш дастурларини идора даражасида марказлаштирилган молиялаштириш учун ишлатиладиган илмий-техник ривожланиш жамғармасига эга бўлиш зарур. Мазкур жамғарма ушбу вазирлик (вазирликлар гуруҳи) корхоналарининг фойдасидан ажратмалар, шунингдек бошқа идораларнинг манфаатдор ташкилотлари маблағлари ҳисобига ташкил этилади.

2-боб бўйича хулоса

Иқтисодиётнинг sanoat тармоқлари инновацион фаоллигини ошириш ва рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш

хамда ҳаётга кенг жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Саноатда инновацион фаолият юрита оладиган кадрлар тайёрлаш, тармоқларда илғор технологияларга асосланган чуқур технологик модернизациялаш ва инновацион ривожлантиришни амалга ошириш, янги технологияларни яратиш имконини берувчи тизим билан характерланади.

Кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Мамлакатни модернизациялаш, саноат тармоқлар рақобатбардошлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иқтисодий ўсишини таъминлашда инновацион фаолиятни рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарининг инновацион ривожланиш йўналиши турли хил омилларга асосланган ўзаро боғлиқ жараёнларни ўзида намоён этади. Ушбу жараёнлар хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий самарадорлигига турлича таъсир кўрсатади.

Саноат тармоқларида инновацион ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатувчи омилларга қарши курашиш ва инновацион фаолликни ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, техника ва технологияларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш учун тўлиқ янги технологик жараёнларни яратиш ва қўллаш орқали маҳсулот сифатини ошириш, хом-ашёдан фойдаланишни яхшилаш ва хом-ашё базасини кенгайтириш;
- ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, техник ва

иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида мавжуд тизимни такомиллаштириш;

– ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш даражасини ошириш, технологик жараёнларни бошқаришда автоматлашган тизимни яратиш;

– тармоқда ихтисослашув ва кооперация алоқаларини янги усулларида кенг фойдаланиш.

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Инновацион иқтисодиётга ўтишнинг асосий омиллари

Ривожланишнинг инновацион типи тушунчаси иқтисодиёт фани назарияси ва амалиётида иқтисодий ривожланишини икки хил типи мавжуд: экстенсив ҳамда интенсив. Маълумки, экстенсив ривожланиш жараёнида ишлаб чиқариш ва савдонинг ҳажмини сон ва табиий ресурс омили асосида оширишга қаратилади.

Интенсив ривожланиш жараёни сифатий кўрсаткичларга, жумладан фан ва техниканинг янги ютуқлари ва билимларига асосий омил сифатида таянади. У ёки бу типнинг мамлакат иқтисодиётида шаклланиши ва устувор ишлатилиши қатор омиллар, шарт-шароитларга бевосита боғлиқ бўлади. Хусусан:

- янги ғояларни ишлаб чиқиш, амалиётга қўллаш ва адаптация бўлишига яратилган қўлай муҳит (қонунчилик ва ҳуқуқий базасининг такомиллашганлиги, бозор инфраструктурасининг ривожланганлик даражаси, таълим сифати);

- давлат ва жамият бошқаруви, ижро ҳокимиятининг барча бўғинлари билан фан ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро ҳамкорлиги;

- миллий иқтисодиёт тармоқларидаги сифатий ўзгаришларнинг жаҳон бозорларидаги талабга мувофиқлиги.

Иқтисодиётда фан ва техникага ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишини ҳал қилувчи омили сифатида қаралади. Фан ва техникани ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этилиши, инсоннинг интеллектуал салоҳиятини ривожланишига, турмуш тарзининг юксалишига, саноатнинг кенг ривожланишига имконият яратди ва жамиятнинг социал структурасига ижобий таъсир кўрсатади.

Мазкур жараёнлар фанда янгидан янги назарияларни шаклланишига, иқтисодий тараққиёт ва жамиятнинг ривожланишини таъминловчи асосий омилларга нисбатан қарашларни тубдан ўзгартирди. Фанда инсон ва интеллектуал капитал назариялари шаклланди.

Иқтисодиётни бугунги янги ривожланиш жараёнлари фанда турлича талқин этилмоқда. Фанда “ривожланиш типи” тушунчаси биринчи бор Е.З.Майминас томонидан тавсия қилинган. Ривожланишнинг типи тушунчаси “эҳтиёжга боғлиқ ривожланишнинг тарихий тенденцияси ва жамият тараққиёти шарт-шароити” билан боғлиқ. Эҳтиёж ва шарт-шароит ҳар бир жамиятнинг ривожланишининг асосий омили бўлиб, белгиланган ижтимоий институтлар томонидан тарихий ривожланиш жараёнида мустаҳкамланади, ушбу институтлар томонидан талқин этилади ва иқтисодий тизимни янги шарт-шароитга мослаштиради.

Иқтисодий адабиётларда инсоният цивилизациясининг типлари тўғрисида турли фикрлар мавжуд, аммо “ривожланиш характери” ва “ривожланиш типи” тушунчаларини аниқ билиб олишимиз зарур. Ривожланиш характери турғун, эволюцион, революцион ёки мобилизация бўлиши мумкин.

Ривожланиш характерида эволюцион характер муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда ривожланиш босқичма – босқич амалга оширилади. Ҳар бир босқичда кейинги босқич учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий омилларни, шарт-шароитларни юзага келтирилади.

Ривожланишнинг типи устувор омилларга, экстенсив, интенсив ва инновацион ривожланишга ҳамда фан ва техника ютуқларидан фойдаланишга, уларнинг ривожланиш суръати ва даражаси билан белгиланади.

Жумладан, П.Друкернинг фикрига кўра замонавий “постиндустриал иқтисодиёт” фан ва техника, илмга асосланган ривожланишнинг 3 та босқичини босиб ўтган.

- 1-босқич, XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларидаги ишлаб чиқаришни мануфактура, хунармандчилик-қўл меҳнатидан, машиналашган завод ва фабрикага ишлаб чиқаришига ўтиш, иқтисодиётда саноатнинг юксалиши;

- 2-босқич, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб илмни меҳнат қуроллари, технология ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ишлатиш, меҳнат самарадорлигини кескин ошиши;

- 3-босқич, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб илмни янги илмларни ишлаб чиқиш учун бошқариш босқичи.

Институционалист Д.Белл қайд этишича, назарий билим инновациялар ва интеллектуал технологияларни асосини ташкил этади. Д.Белл инновацион иқтисодиётнинг асосини қуйидаги 3 фикр билан ифодалайди:

- индустриал иқтисоддан, сервис асосидаги иқтисодиётга ўтиш;
- технологик инновацияни ташкил этишда илмнинг ҳал қилувчи аҳамиятга айланиши;
- қарорлар қабул қилиш ва таҳлил этишда янги интеллектуал технологиялар асосий қуролга айланиши.

Лундвал ва Нельсоннинг классик таърифига кўра, “инновация ўзида комплекс жараённи мужжассам этиб, бу жараёнга турли иштирокчиларни фирмаларни, янги билимларни ишлаб чиқарувчиларни, технологик ва аналитик марказларни бирлаштириб инновацион тизимни ташкил этади.

Юқорида айтилган ҳар бир ижтимоий – иқтисодий ривожланиш босқичи ўзига хос бўлган ишлаб чиқариш технологиялари тизими ва ишлаб чиқариш муносабатларига эга.

Ривожланишнинг инновацион типи (ингл. Innovation model of development, нем. Innovationsentwicklung) – ижтимоий ишлаб чиқаришда янги илғор технологияларга урғу бериш, юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, микро ва макроиқтисодий жараёнларда илғор ташкилий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш- технопарк, технополис, кам энергия талаб технологиялардан фойдаланиш сиёсати, ишлаб чиқариш

фаолиятини интеллектуалаштириш, иқтисодиётни софтлаштириш ва сервислаштириш билан характерланади.

Инновацион иқтисодиётда асосий ўрин юқори ишлаб чиқариш, илм талаб технологияларига ва инсон фаолиятининг турли соҳаларини инновацион ташкил этишга, иқтисодиётда инновацион тизимни шакллантиришга, компьютер технологиялари ва телекоммуникация тизимларига қаратилади.

Ривожланишнинг инновацион типиди, асосий ишлаб чиқариш омили бўлган меҳнатни илм билан ўзаро уйғунлашуви, техник маҳоратнинг интеллектуал маҳоратга ўсиб ўтиши жамиятнинг иқтисодий асосини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам “информацион жамият”, “илм жамияти” “информацион иқтисодиёт”, “интеллектуал иқтисодиёт” сўзларни ишлатамиз.

Ривожланишнинг инновацион типи бевосита илмий-техникавий потенциалнинг мавжудлиги ва ўсиши, соҳага инвестицияларнинг кенг кўламда жалб қилиниши билан характерланади ва инновацион фаол корхоналар сонининг ошишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш жараёнида истеъмолга жалб қилинадиган илмий, иқтисодий, технологик, ташкилий-бошқарув маълумотлар, ишлаб чиқариш жараёнларини тезлаштириб, уни тез ўзгараётган ишлаб чиқариш шарт-шароитларига мослаштиради, инновацияларни, нау-хауларни ҳаракатга келтирувчи кучга айланади.

Ривожланишнинг инновацион тизимида миллий инновацион тизимни шаклланиши алоҳида эътиборни талаб қилади. Миллий инновацион тизим тушунчаси инновацион иқтисодиётнинг муҳим белгиси сифатида фанга XXасрнинг 70-йилларида кириб келди.

К.Фриманнинг фикрига кўра, миллий инновацион тизим – жамият томонидан истеъмол қилинадиган янги технологиялар, маҳсулотлар ва хизматларнинг яратилишидаги янги билимларни ишлаб чиқишда, сақлашда, тарқатишда ва янги технологияларга айланишида қатнашадиган иқтисодий

субъектлар ва ижтимоий институтларнинг (кадриятлар, меъёрлар, ҳуқуқларнинг) мураккаб тизими ҳисобланади¹⁷.

Технологик изчиллик қонуниятларини ва унинг тарихий мантиқий кетма-кетлигини ўрганадиган эволюцион иқтисодий назария “техник иқтисодий прадиigma” ва “технологик траектория” тушунчаларига асосланади. У макродаражадаги иқтисодий ўсиш бир томондан турлитуманликка ва ноаниқликларга, иккинчи томондан эса микродаражада иқтисодий жараёнларни бир-бирига уйғунлаштириш, муносибликни таъминлаш, мувофиқлаштириш ва стандартлаштиришга боғлиқлигини қайд этади.

Инновацион ривожланиш концепцияси Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР), Жаҳон банки ва бошқа қатор халқаро ташкилотларнинг ташаббусига кўра кенг ривожланмоқда. Мазкур халқаро институтларнинг ташаббуси билан кейинги йилларда бир қатор аналитик тадқиқотлар амалга оширилдики, уларнинг тадқиқотлари миллий иқтисодиётни анъанавий индустриал иқтисодиётдан билимга, илмга асосланган постиндустриал иқтисодиётга тарнсформация жараёнларига бағишланган.

Инновацион ривожланишнинг методологик базасининг мажбурий элементи сифатида асосланган кўрсаткичлар (индикаторларни) киритиш муҳим аҳамиятга эга. Улар асосий иқтисодиётни ёки унинг алоҳида тармоғини инновациялашув даражасини белгилаб беради. Умумэътироф этилган қоидага кўра, иқтисодиётни инновацион ривожланиш типи бир қатор кўрсаткичларнинг мажмуасидан иборат бўлади. Уларнинг ичида энг асосийси сифатида илмталаб ишлаб чиқаришнинг ривожланиши даражаси ва иқтисодиётга интеллектуал ресурсларни жалб этиш даражасини қайд этиш мумкин.

Миллий ва халқаро статистик тажрибада фундаментал ва амалий тадқиқотлар соҳасида ресурсларнинг ривожланиши, илмий, муҳандислик,

¹⁷ Freeman C. Technology Policy and Economic Performance. L.: PrinterPublishers, 1987. 570 p.

тадқиқотчи ва менеджер кадрларни тайёрлаш тизмининг ривожланиш даражаси, тадбиркорлик субъектларини информацион ва технологик таъминланиши, соҳанинг инвестиция сифими, оммавий инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш кўлами, молиялаштириш тизимининг ривожланганлиги киритиш мумкин.

Ушбу тамойил асосида 2002 йилда ташкил этилган Европа инновацион таблоси фаолият юритмоқда. Унда Европа давлатларидан ташқари яна жаҳоннинг 40 ошиқ мамлакати иштирок этади. Унда миллий инновацион тизим ва инновацион сиёсат тўғрисидаги ахборотларини жуда катта кўрсаткичлар асосида тақдим этади.

АҚШ тажрибасининг кейинги 50-йиллик таҳлилида шу нарса қайд этиладики, жаҳонда руйхатга олинган 60 фоиз технологик янгиликлар ушбу мамлакатга тегишли. Ғарб мамлакатларининг тажрибасида инновацион ривожланишнинг бош мезони маълум бир даврда яратилган технологик янгиликнинг сони эмаси, балки уни мамлакат иқтисодиётида қанчалик ўзлаштирилганлиги ҳисобланади.

Академик РАН Макаров, инновацион ривожланиш тушунчасини таърифлашда билимга асосланган иқтисодиёт тушунчаси билан бир хил баҳолаб, иқтисодиёт типини билимни технологик моддиятга айланиши ҳал қилувчи аҳамиятини, билимларни ишлаб чиқариш эса иқтисодий ўсишнинг асосий манбаси эканлигини қайд этади.¹⁸

Кўпчилик олимларнинг томонидан, “янги иқтисодиёт”- бу номоддий материаллар омилар ишлаб чиқариш иқтисодиёти: инсоннинг интеллектуал капитали” сифатида қаралади¹⁹.

И.Матеров фикрига кўра, “янги иқтисодиёт” тушунчасини халқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш кучларини янги технологик даражаси сифатида белгилайди.²⁰

¹⁸ Макаров, В. Контуры экономики знаний / В. Макаров // Экономист. 2003. № 3. 14.

¹⁹ Шульц Т., Беккер Г., Интеллектуальной собственности, инновационной деятельности С. 18

²⁰ Матеров, И. Факторы развития «новой экономики» в России // Экономист. 2003. № 2.

АҚШ тажрибасининг кейинги 50-йиллик таҳлилида шу нарса қайд этиладики, жаҳонда руйхатга олинган 60 фоиз технологик янгиликлар ушбу мамлакатга тегишли. Ғарб мамлакатларининг тажрибасида инновацион ривожланишнинг бош мезони маълум бир даврда яратилган технологик янгиликнинг сони эмаси, балки уни мамлакат иқтисодиётида қанчалик ўзлаштирилганлиги ҳисобланади.

XXI аср бошларида етакчи саноати ривожланган мамлакатлар ва ҳудудларда “янги иқтисодиёт” деган тушунча шаклланмоқда, унинг асосида икки ўзаро боғлиқ жараён – ахборот инқилоби ва глобаллашув ётади. Хорижий илмий адабиётларда “билимлар иқтисодий ўсиш ва корпоратив фойданинг дастлабки манбаи бўлган жамият” янги иқтисодиёт деб аталмоқда ва уни постиндустриал ривожланиш доминантасига айланади деб ҳисоблайдилар.

Жаҳон хўжалиги ривожланишининг замонавий босқичида мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни уларнинг тараққиётнинг инновацион жиҳатларини яратиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, илмий-техник тараққиёт ютуқларидан амалиётда фойдаланиш қобилияти билан аниқланади.

Муваффақиятли инновацион ривожланишга таъсир қилувчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ)га юқори харажатлар;
- инновацион инфратузилманинг мавжудлиги;
- тадқиқот марказлари ва бизнес ўртасидаги алоқа;
- давлатнинг рағбатлантирувчи роли;
- илғор ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиш;
- ижодий турдаги юқори малакали ресурсларнинг мавжудлиги.

Мамлакатда илм-фанга харажатлар даражасини баҳолашдаги асосий кўрсаткич - илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ)га харажатларнинг ЯИМга нисбатан фоизларда ифодаланган миқдоридир. 6-

жадвалда 1996-2002 йилларда жаҳон мамлакатлари ва уларнинг гуруҳлари учун мазкур кўрсаткичнинг миқдорлари келтирилган. 1994-2001 йилларда дунёда ИТТКИнинг абсолют ҳажмининг йиллик қўшимча ўсиш суръати 4,6 %ни ташкил қилади. 2002 йилда ИТТКИга глобал харажатлар атиги 1 % га ўсди, бу жаҳон иқтисодиёти ўсиш суръатларини умумий пасайиши билан боғлиқ. ИТТКИнинг ЯИМга фоизли нисбати ЕИ ва Осиё-Тинч океан минтақаси мамлакатларида анча юқори.

6-жадвал. Жаҳон мамлакатлари ва уларнинг гуруҳларининг ИТТКИга харажатлари, ЯИМга нисбатан % да

№	Мамлакатлар	ИТТКИ харажатлари, ЯИМга нисбатан % да
1	Иордания	6,3
2	Швеция	4,6
3	Финляндия	3,4
4	Япония	3,1
5	Исландия	3,0
6	Корея Республикаси	3,0
7	АҚШ	2,8
8	Швейцария	2,6
9	Германия	2,5
10	Франция	2,2
11	Дания	2,1
12	Сингапур	2,1
13	Бельгия	2,0

Манба: Кузык Б.Н., Яковец Ю.В. Россия – 2050: стратегия инновационного прорыва. М.: Экономика, 2004, с 170.

Саноати ривожланган мамлакатларнинг инновацион ривожланишининг ўзига хос хусусияти ИТТКИни молиялаштиришда хусусий секторнинг қандай ўрин эгаллашидан иборат. Шунинг таъкидлаш кеаркки, ИТТКИ ҳажмининг қўшимча ўсиш суръати саноатга нисбатан хизматлар соҳасида юқорироқ, йирик фирмалар эса кичик фирмаларга нисбатан бирмунча фаолроқ. Инновацион фаолият билан шуғулланаётган компаниялар сони аввалгидек ишлаб чиқариш соҳасида устунлик қилади.

ИТТКИга ажратмаларнинг абсолют миқдори бўйича АҚШ етакчи мамлакат ҳисобланади – 2000 йилда 264 млрд. долл. (ЯИМнинг 2,6 %). Ҳам молиялаштириш манбалари, ҳам ИТТКИ натижаларини ўзлаштириш бўйича хусусий сектор етакчилик қилади – умумий ИТТКИ ҳажмининг 75 %, кейинги ўринларда университетлар – 11 %, давлат илмий муассасалари – 7 % ва фойда кўрмайдиган ташкилотлар – 2,5 % туради. Молиялаштиришнинг асосий йўналишлари – бу ахборот технологиялари, автомобилсозлик ва аэрокосмик саноат. Американинг Pfizer, Ford, General Motors, IBM корпорациялари – илмий харажатларнинг абсолют миқдори бўйича дунё етакчилари ҳисобланади.

Инновациялар шунингдек Европа Иттифоқи корхоналарининг хўжалик фаолиятида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. ЕИ энг рақобатбардош ва динамик ривожланаётган билимлар иқтисодиётига айланишга интилмоқда. Устувор тармоқлар бўлиб аэрокосмик, фармацевтика ва электроника саноати, шунингдек коммуникация асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш ҳисобланади. Бироқ техник тараққиёт устуворликлари ИТТ таъсири остида қайта белгиланади. Масалан, ЕИнинг илмий-тадқиқот дастурларида тирик организмлар генетикасини ўрганиш ва инсон ҳаётини узайтириш соҳасидаги ишлар аста-секин тобора кўпроқ роль ўйнамоқда.

Ривожланган мамлакатларга мансуб бўлмаган мамлакатлар ичида ИТТКИга ажратмаларнинг абсолют миқдори бўйича Хитой етакчилик қилади. 2001 йилда Хитой жорий харид қобилияти паритети бўйича 59,8 млрд.долл. миқдорида ИТТКИ амалга оширди ва ушбу кўрсаткич катталиги бўйича дунё мамлакатлари ичида учинчи ўринни эгаллади. Хитойдан олдинги ўринларни АҚШ (2001 йилда 282 млрд. долл.) ва Япония (104 млрд.долл.) эгаллайди.

Тадбиркорлик соҳасининг илмий ишланмалари ва тадқиқотларининг амалий натижаси патент ҳисобланади. Дунёнинг етакчи мамлакатларида патентлашнинг тармоқ тузилмасини таҳлил қилиш асосида Америка ИТТКИ устун равишда компьютер технологиялари ва тиббиёт билан, Япония ИТТКИ

– ахборотни қайта ишлаш тизимлари, Германия ИТТКИ – механик тизимлар, двигателлар, тормозлар ва органик кимё билан боғлиқ деб тавсифлаш мумкин.

СССРда амал қилган инновацион тизим мамлакатга технологик ривожланишнинг айрим йўналишларидагина етакчи мавқени эгаллаш имкониятини берди, миллий давлатлардаги янги инновацион тизим эса замонавий бозор ҳодисаларига мослашиш босқичида турибди.

3.2. Ўзбекистонда давлатнинг илмий-техник ва инновацион сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари

Дунё мамлакатлари иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланиши инновацион салоҳият ва қулай шарт-шароитларнинг мавжудлиги билан бевосита боғлиқдир. Бундай ҳолатни баҳолашда ҳар қайси мамлакатнинг инновациялар бўйича индекси алоҳида ўрин тутди. Мазкур индекс эса қуйида баён этилаётган икки гуруҳ кўрсаткичлар бўйича йиғилган умумий баҳолар асосида ҳисобланади.

Биринчи гуруҳ-инновацияларни амалга ошириш учун мавжуд ресурс ва шароитлар:

- институтлар;
- инсон капитали ва тадқиқотлар;
- инфратузилма;
- ички бозор ва бизнеснинг ривожланиши;

Иккинчи гуруҳ-инновацияларни амалга оширишнинг амалий натижалари:

- технологиялар ва иқтисодиёт ҳақидаги билимларни ривожлантириш;
- креатив фаолият натижалари.

Яқуний индекс харажатлар ва эришилган самара ўртасидаги нисбатни намоён этади ва бу ўз навбатида тадқиқотда қамраб олинган ҳар қайси мамлакатдаги иновацияларни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни ҳолис баҳолаш имконини беради.

Президентимиз Ислом Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Инссад” халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги “Инновацияларнинг глобал индекси” маърузаси ҳақида тўхталиб, шундай деган эди: “Ушбу маърузада дунёнинг 141 мамлақатидаги инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон – шунга эътибор беринглар – дунёнинг 141 мамлақати орасида иккинчи ўринни банд этган”²¹.

Ҳақиқатан ҳам биз учун ғоят қувончли томони шундаки, таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон ушбу рейтинглар рўйхатида 75,38 балл билан дунёда иккинчи ўринни эгаллаган. Биринчи ўринни эса 75,70 балл билан Ирландия банд этган. Дания, Янги Зеландия, Исландия, Белгия сингари бир гуруҳ ривожланган Европа ва бошқа қитъа мамлакатлари ушбу рўйхатнинг кейинги ўринларидан жой олган.

Катта молиявий ресурсларга эга бўлган Саудия Арабистони 65,49 балл билан 15-ўринни эгаллаган бўлса, дунёнинг энг қудратли давлатлари бўлмиш АҚШ 31-ўринни (61,34 балл), Хитой эса 67-ўринни (52,23 балл) банд этган. Беларус 60,55 балл билан 36-ўринни, Россия 55,18 балл билан 55-ўринни эгаллаган²².

Собиқ совет ҳудудидаги бошқа мамлакатлар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, улар рейтингда қуйидагича жойлашган: Қозоғистон 69-ўрин, Қирғизистон 72-ўрин, Арманистон 85-ўрин, Грузия 87-ўрин, Озарбайжон 89-ўрин, Тожикистон 107-ўрин.

²¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь, № 13 (5687).

²² Ўзбекистон таълим тизими: яна бир юксак эътироф // Халқ сўзи, 2012 йил 28 август.

Тадқиқотга биноан, таълим тизими ривожланишининг қатор кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон дунёдаги давлатлардан илгарилаб кетган. Хусусан, давлатнинг таълим тизими ривожини, мактабларни капитал қуриш ва янгилаш учун йўналтирилаётган сарф-харакатлари, ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан ўқитувчиларнинг сони ва неча фоизни ташкил этиши соҳасидаги битирувчилар сони, GMAT, яъни ўқувчиларнинг бизнес мактабларида муваффақиятли таълим олиш қобилиятини аниқлаш учун стандартлашган тест асосидаги ўқувчиларнинг ўртача баҳоси ва бошқа кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистоннинг натижалари бошқа мамлакатлардан юқори экани таҳлилий мисоллар орқали аён бўлади.

Юқорида баён этилган тадқиқотда Ўзбекистоннинг бу борада эришган ютуқларининг асосий мезон ва омиллари ҳақида атрофлича фикр юритилади. Айниқса, инсон капитали ва тадқиқотлар учун инвестициялар, таълим ривожига қаратилган давлат харажатларининг даражаси ва умуман, таълим тизимининг ҳолати Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва инновацион салоҳиятнинг энг кучли томонларидан бири экани алоҳида таъкидланади.

Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва инновацион фаолият (макродаражада) бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, инновацион салоҳиятни юқори технологияларни фойдаланишга мослаштирувчи яхши ривожланмаган олий таълим тизимисиз ва ҳамда ишланма ва тадқиқотларни молиялаштирувчи самарали амал қилувчи молия тизимисиз амалга ошириб бўлмайди. Адолатли рақобат шарт-шароитларининг мавжуд эмаслиги ва ривожланмаган товарлар бозори инновацион маҳсулотга бўлган барқарор талабни ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга рағбатларни таъминламайди ҳамда миллий инновацион тизимлар ва инфратузилмаларини, илмий-техник ишланмаларнинг тижоратлаштирилишининг ривожланмаганлиги уларни пировард истемолчига етиб боришига имкон бермайди.

Давлатнинг илмий-техник ва инновацион фаолиятга муносабати ўз ифодасини давлатнинг илмий-техник ва инновацион сиёсатида топади. Бу сиёсат ушбу соҳада давлат ҳокимият органлари фаолиятининг мақсадлари, йўналишлари ва шакллари белгилайди.

Вақт ўтиши ҳамда фан ва техниканинг янада ривожланиши билан нафақат мамлакатларнинг ва бирлашмаларнинг инновацион ривожланиш концепциялари, балки фан ва техника соҳасида бевосита давлат устуворликлари ҳам ўзгаради. Масалан, ЕИда инсон ҳаётини узайтириш, жонзотлар ҳаётининг генетик табиати билан боғлиқ тадқиқотлар ишлаб чиқариш ва таълим жараёнларини ахборотлаштириш бўйича тадқиқотларни суриб чиқармоқда.

ИТТКИни тўғридан-тўғри молиялаштириш (давлат илмий лабораториялари фаолиятини ташкил қилиш ва қўллаб-қувватлаш, олимларга беғараз субсидиялар, давлат буюртмалари ва х.к.) билан бир қаторда давлат мамлакат корхоналарининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш вазифасини ҳам бажаради ва бунда қуйидаги асосий аралашув шаклларидадан фойдаланади:

- солиқ имтиёзларини тақдим этиш;
- ИТТКИ харажатларини маҳсулот таннархига киритишга рухсат бериш;
- тадқиқот ишларини имтиёзли кредитлаш;
- йирик илмий-техник лойиҳаларни молиялаштиришда улушли қатнашиш;
- илмий асбоб-ускуналар ёки улар қисмларининг жадаллаштирилган амортизация меъёрларини ўрнатиш;
- давлат мол-мулкани ёки ерини текинга ёки имтиёзли шартларда бериш йўли билан минтақаларда инновацион корхоналарни ёки илмий инфратузилмани ташкил қилишга кўмаклашиш.

Илмий билимларни ва технологик ноу-хауларни ишлаб чиқариш бир нечта мамлакатлар ҳудудида амалга оширилаётган битта лойиҳа доирасидаги

тадқиқотларга тобора кўпроқ боғлиқ бўлмоқда. ИХРТ ҳужжатларида кўрсатилишича, илмий-техник соҳани байналмилаллаштириш жараёнларида мамлакатнинг иштирок этиш даражасига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- мамлакатнинг катталиги (одатда кичик мамлакатларнинг илмий-техник соҳаси кўпроқ байналмилаллашган);
- технологик жиҳатдан жихозланганлик;
- илмий-техник жараёнларга фаол жалб қилинган минтақаларга географик яқинлик;
- саноат ихтисослашуви;
- хорижий филиалларнинг мавжудлиги ва х.к.

Байналмилаллашув шунингдек трансмиллийлашув йўли билан ҳам амалга ошади. Агар илгари ТМКлар ишлаб чиқариш бўлинмаларини очиш орқали фақат ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашувига кўмаклашган бўлсалар, ҳозирги вақтда улар илмий-тадқиқот жараёнини қабул қилувчи мамлакатларга кўчириш билан шуғулланмоқдалар.

Ушбу жараёнлар МДХ мамлакатларида ҳам фаол кечмоқда. МДХ мамлакатлари орасида Россия ТМКларининг инвестицион-инновацион фаолияти айниқса кучли ривожланмоқда. Улар экспансиясининг анъанавий ва истиқболли йўналиши МДХ мамлакатлари ҳисобланади, чунки бунда тарихан шаклланган хўжалик муносабатлари, географик яқинлик, сотув бозорлари сифими, шунингдек компаниялар фаолиятини байналмиллаштиришнинг истеъмол бозорлари тафовутлари, институционал тузилмалар, технологик даража, маданий ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ минимал тўсиқлари қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Россия ТМКларининг МДХ мамлакатларидаги ТХИнинг асосий соҳалари бўлиб, минерал-хомашё мажмуаси, телекоммуникациялар тармоғи ҳисобланади; Ҳамдўстлик мамлакатлари бозорига чиқиш усули бўлиб эса маҳаллий компанияларни қўшиб олиш хизмат қилади. Россия ТМКларининг хусусияти шундаки, улар СССР тарқалиб кетганидан сўнг кескин қисқарган

МДХнинг илмий-тадқиқот салоҳиятини тиклашга, миллий инновацион тизимнинг шаклланишига ва уларнинг ҳамдўстликнинг ягона инновацион маконига интеграциясига кўмаклашади. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ва очиқ инновацион жараёнлар моделини амалга оширувчи россия ТМКлари қаторига ОАО «Газпром», ОАО «РУСАЛ», ОАО «ГМК «НорНикель», ОАО «ЛУКОЙЛ» киради.

МДХ мамлакатларида собиқ иттифокдош шериклар билан илмий-ишлаб чиқариш кооперацияси глобаллашув шароитида минтақа мамлакатлари ва корхоналари рақобатбардошлигининг кучли салоҳиятини таъминлаши мумкин. Шу билан бирга фақат СССР даврида мавжуд бўлган аввалги ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот алоқаларинигина тиклаш хато бўлар эди. Минтақада янги инновацион асосда интеграцион жараёнларни жадаллаштириш замонавий давр талаби ҳисобланади. Ушбу кенг мақсадга эришиш учун давлатларнинг мувофиқлаштирувчи ва рағбатлантирувчи фаолияти зарур.

МДХнинг Иқтисодий кенгаши 2001 йил июнида Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигининг 2005 йилгача бўлган давр учун Давлатлараро инновацион сиёсат концепциясини тасдиқлади. Мазкур концепцияда қуйидаги устуворликлар белгиланди:

- ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ва унинг технологик даражасини ошириш;
- инновацион маҳсулотнинг бирлашма мамлакатларининг ташқи ва ички бозорларига чиқишини таъминлаш;
- импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ва шу асосда барқарор иқтисодий ўсиш негизини яратиш.

Мақсадларни аниқлаштириш учун қатор вазифалар қўйилди. Концепция шунингдек давлатлараро инновацион сиёсатнинг мақсадларига эришиш ва вазифаларини ҳал қилиш учун фойдаланиладиган усуллар, шу жумладан қуйидаги усуллар тавсифини ўз ичига олади:

- илғор технологияларни кенг кўламда ўзлаштириш ва илмталаб маҳсулот турларини яратиш учун институционал ва қонуний шароитларни шакллантириш;

- инновацион фаолиятнинг меърий-ҳуқуқий таъминотини ва уни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

- илмталаб технологияларни давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг ва ишлаб чиқариш-технологик қайта қуришларни рағбатлантиришнинг устуворлигини таъминлаш;

- МДХ мамлакатлари корхоналарига ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда рақобат устунлигини таъминловчи технологияларни аниқлаш ва кўллаб-қувватлаш, шунингдек миллий илмий-техник ишланмаларни ўзлаштирувчи корхоналарни рағбатлантириш;

- МДХ мамлакатларининг юқори марказлашган илмий-техник салоҳиятга эга минтақаларини, шунингдек бу соҳада орқада қолаётган минтақаларини инновацион ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- ИТТКИ натижаларини тижоратлаштиришни таъмиловчи инновацион инфратузилмани кенгайтириш;

- илмий-техник соҳада венчур молиялаштириш тизимини ривожлантириш;

- кичик корхоналарни яратиш ва фаолият юритиши учун қулай шароитларни шакллантириш йўли билан кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантириш ва х.к.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилиш уни замон талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош, дунёнинг энг илғор техника-технологиялари билан таъминланган тармоқларини яратиш олдимизга қўйилган устуворликлардан бири ҳисобланади. Бу ишларни амалга оширишда дунёнинг қудратли ТМКларни жалб қилиш асосий масаладир. ТМКларни иқтисодиётимизга жалб қилиш орқали уларнинг илғор

техника-технологияларини, шунингдек, менежмент, маркетинг, ишлаб чиқаришни самарали ташкил қилиш тажрибалари олиб кирилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг етакчи ТМКлар, шу жумладан МДХ мамлакатлари ТМКлари билан инновацион-инвестицион ҳамкорлиги мамлакатда технологик инновация жараёнларининг тезлашувига ҳам олиб келиши мумкин. Бу эса Ўзбекистонда техник тараққиётнинг ички омиллари учун жуда катта имкониятлар яратади. Шунингдек, ТМКлар мамлакатимиздаги мавжуд бандлик муаммоларини бартараф этишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон иқтисодиётини узоқ муддатли ривожланишининг мақсади ва устувор йўналишлари жаҳоннинг ўртача ривожланган мамлакатлари қаторига кириш масаласи билан боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан белгиланган иқтисодий сиёсат стратегиясига мос келади. Ўзбекистон иқтисодиётини узоқ муддатли истиқболда рақобатбардошлигини ошириш учун қуйидаги йўналишларга кучларни ва ресурсларни қаратиш лозим:

- иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, иқтисодий ўсишнинг инновацион омилларини ошириш, ЯИМда моддий ва энергия сиғимини 2 баробар пасайтириш ҳисобига мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиши орқали иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори даражасини таъминлаш (8%);

- модернизациялашнинг биринчи навбатдаги объекти бўлиб инновацион маҳсулотга бўлган талабни таъминлашга қодир таркиблар, давлат таълим стандартларига риоя қилиш, инновация инфратузилмаси ривожланиши учун зарур бўлган қулай инвестицион муҳит ва бошқа барқарор иқтисодий ўсиш элементлари бўлиши лозим;

- ўта янги маҳсулот турлари ва юқори технологияларни ишлаб чиқишни ўзлаштириш асосида ташқи бозорда маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш; саноат ишлаб чиқариши, биотехнология, информатика ва нанотехнологиядаги янги кашфиётларни қўллашга

асосланган ҳамда миллий иқтисодиётнинг кўпгина тармоқлари ва соҳаларида катта салоҳиятга эга бўлган энергия ва сув тежайдиган технологияни жорий этиш;

- миллий иқтисодиётни жаҳон молиявий-иқтисодий тизимиغا интеграциялашувини чуқурлаштириш, уни ташқи иқтисодий бозор конъюктурасига боғлиқлигини пасайтириш учун ташқи бозорда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар улушини ошириш ҳисобига экспорт таркибини диверсификациялаш;

- мамлакатнинг ёқилғи-энергетик балансини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, чунки иқтисодиётни энергия таъминотида табиий газнинг улуши меъёрдан анча юқори кўрсаткичга эга бўлгани учун истиқболли энергия тежовчи технологияларни фаол ишлаб чиқиш ва халқаро айирбошлаш, энергиянинг муқобил манбаларидан кенг фойдаланиш зарур²³.

Ушбу йўналишлар қаторида иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, иқтисодий ўсишнинг инновацион омилларини ошириш, модернизациялаш жараёнида инновацион маҳсулотга бўлган талабни таъминлаш каби вазифалар алоҳида аҳамият касб этади.

3.3. Саноат тармоқларини модернизация қилишда инвестиция сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари

Миллий иқтисодиёт таянч соҳаларини модернизациялаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, замонавий инновацион технологияларни татбиқ этишга қаратилган 2009–2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши дастурининг бажарилиши дунё бозорида мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини, истисодиёт устивор йўналишларининг юксалишини, аҳоли турмуш шароитларининг сифати ўсишини таъминловчи Ўзбекистоннинг янги марралар сари интилишида кучли туртки бўлди.

Жаҳоннинг деярли барча давлатларига таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитларида Ўзбекистон автосаноати

²³ Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов / отв.ред. М.П. Нарзикулов. –Ташкент: BaktriaPress, 2012. С. 8.

маҳсулотни сотишга, биринчи навбатда, номенклатурани ошириш ва рақобатбардош тайёр маҳсулот моделлар қаторини кенгайтириш, унинг сифатини ошириш ҳамда таннархини мувофиқлаштириш, экспорт маҳсулоти ҳажмини оширишга алоҳида эътиборни қаратади. Автосаноат корхоналари асосий фондларни босқичма-босқич янгилаш, модернизациялаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича ишларини янада кучайтириш, кўзда тутилган ишлаб чиқариш барқарор ва бир текис суръатларини таъминлаши керак.

Инқироз каби ҳозирги мураккаб вазиятда «General Motors Uzbekistan» компанияси ҳам инқирозга қарши ишлаб чиқилган ўзининг инновацион фаолиятини ривожлантириш режаларини амалга оширмоқда.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизация қилиш доирасида 2010 йилда Matiz автомобиллари янги чироқлар ва фаралар билан жиҳозланди. Улар вакуумли алюминизация технологиялари асосида яхшиланган мустаҳкамлик ва оптик тавсифларига эга материаллардан тайёрланган. Янги оптика Ўзбекистонда UzChasys қўшма корхонасида AMS Корея компанияси лицензияси асосида тайёрланмоқда. Бу Uz-Daewoo автомобилларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича яна бир қадам бўлди. Ҳозирги вақтда маҳаллийлаштириш даражаси 65 фоизни ташкил қилмоқда.²⁴

2011 йилда автоишлаб чиқарувчи Uz-Daewoo автомобилларига кафолатли хизмат кўрсатиш муддатини 3 йилгача ёки 100 минг. км масофагача, сервис ораси масофасини 10 минг км гача узайтирди.

GM Uzbekistan корхонаси 2011 йилда GSVEM бизнес-класс седаннинг янги моделини ўзлаштириш лойиҳасини бошлади. Мазкур моделдаги автомобилларни ишлаб чиқариш линияси Чкалов номидаги Тошкент авиация бирлашмаси ҳудудида жойлаштирилади. Бу модель Жанубий Корея ва Бразилия конструкторлари томонидан ишлаб чиқилган.

²⁴ <http://www.12.uz/ru/news/show/economy/5471/#>

Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати \$136 млн.доллар бўлиб, лойиҳа 2013 йилгача амалга оширилади. Лойиҳани молиялаштириш «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосномасига мувофиқ йилига 100 мингта автомобил ишлаб чиқарилади ва шундан 50 мингта автомобил МДХ мамлакатларига экспорт қилинади.²⁵

General Motors корпорацияси ва «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ўртасида 2011 йил 11 февралда Сеул шаҳрида GM Uzbekistan ҚКда янги моделдаги автомобил ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланган.

«Ўзавтосаноат» АК бўйича Инвестицион дастур доирасида 2012 йилда бажарилган инвестицион лойиҳалар сони 25 та бўлиб, уларнинг умумий қиймати 425,87 млрд.сўмни ташкил этди (7-жадвал). Бу ишларнинг натижасида жами 2396 янги иш ўринлари яратилди.

7-жадвал. «Ўзавтосаноат» АК бўйича Инвестицион дастур доирасида 2012 йилда бажарилган инвестицион лойиҳалар

«Ўзавтосаноат» АК бўйича амалга оширилган лойиҳалар номи	Қиймати, млрд.сўм
Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва компонентларини ишлаб чиқариш янги комплексини яратиш (Шбосқич – йиғиш-ишлаб чиқариш)	29,38
Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва компонентларини ишлаб чиқариш янги комплексини яратиш (Шбосқич – прицепли техника ва устки қуриш ишлаб чиқариш жараёнларини ўзлаштириш)	30,0
«ДжиЭм Узбекистон» ЁАЖ янги моделларига штамповаркали деталларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Фарғона ш.	47,77
«ДжиЭм Узбекистон» ЁАЖ автомобилларига ғилдирак дискларни ва шасси қисмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Андижон ш.	31,14
«Уз Донг Янг Ко» ҚКда ишлаб чиқариш қувватларини ва инжекцион формовкалаш деталларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш	8,31
«Автоойна» МЧЖда автомобиль ойналарига термоишлов бериш линиясини модернизация қилиш	1,55
«Уз ГонгХонг» МЧЖда «Ласетти» моделига ўриндиклар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш (Шбосқич)	1,7
«УзДонгЯнг» ҚК базасида «ДжиЭм Узбекистон» ЁАЖ янги автомобиль моделларига интерьер деталлари ва инструментал панеллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	2,0
«Жиззах аккумулятор заводи» ОАЖ базасида янги аккумулятор батареялар	0,94

²⁵ <http://www.12.uz/ru/news/show/economy/5471/#>

типини ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш	
“Автоойна” базасида “ДжиЭм Узбекистон” ЁАЖ автомобилларининг янги моделларига ойна ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	0,66
“УзХанву-инжиниринг” базасида автомобилнинг домкратларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	0,64
“УзКорам” МЧЖ базасида “ДжиЭм Узбекистон” ЁАЖ автомобилларининг янги глобал моделлари учун катта габаритли пластмасса деталларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	8,17
“УзКоджи” ҚК базасида “ДжиЭм Узбекистон” ЁАЖ автомобилларининг янги моделлари учун жгут ва ўтказгичлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	3,81
“УзХанву” ҚК базасида “ДжиЭм Узбекистон” ЁАЖ автомобилларининг янги моделлари учун шовқин синдиргич деталларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	3,4
“УзИраелКейбл” ҚКда аккумулятор ўтказгичларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш	1,17
“ZenithElectronics” МЧЖ ҚК (“Узэлтехсаноат” уюшмаси билан ҳамкорликда) печатли платалар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	3,0
“ZenithElectronics” МЧЖ ҚК (“Узэлтехсаноат” уюшмаси билан ҳамкорликда) телевизор ва мониторлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатурасининг кенгайтириш	3,3
Янги “Нексия” классидagi енгил автомобиль ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Асака ш.	136,12
Кондицион, вентиляция ва иститиш тизимларининг радиаторини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Андижон ш.	23,25
“Нексия” классидagi янги глобал моделнинг бутлаш қисмларини ишлаб чиқариш бўйича фаолият кўрсатаётган маҳаллийлаштирилган корхоналарни модернизациялаш	70,0
“УзТонгХонг” ҚК базасида “ДжиЭм Узбекистон” ЁАЖ автомобилларининг янги моделларига ўриндиқлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	3,92
Кальциявий таъмирланмайдиган батареялар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Жиззах ш.	9,48
Технологик ускуналар, штамплар ва қўйма қолиплар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Фарғона ш.	2,02
“УзСэмюнг” ҚК базасида “ДжиЭм Узбекистон” ЁАЖ автомобилларининг янги моделларига ёнилғи баки ва штампланган қисмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш	2,14
“УзДонгЖу” ҚКда лаборатория жиҳозларини харид қилиш	2,0
Ҳаммаси	425,87

Шуни таъкидлаш зарурки, Ўзбекистонда 2011-2013 йилларда Саноатни ривожлантириш дастури доирасида автомобилсозлик саноатини ривожлантиришга \$800 млн.дан ортиқ инвестициялар йўналтирилади ва ўзлаштирилади. Янги объектларни қуришга \$538 млн.дан зиёд инвестициялар йўналтирилади. Маблағларнинг асосий қисми - \$303 млн. «Ўзавтосаноат» АК, \$14,9 млн. – Ўзбекистоннинг Тикланиш ва тараққиёт

фонди, \$173,1 млн. – тижорат банклари ва \$57,9 млн. - хорижий инвесторларнинг маблағлари ҳисобига молиялаштирилади (8-жадвал).

8-жадвал. 2011-2013 йилларда автомобилсозлик саноатида янги объектларни қуришга йўналтириладиган инвестицияларнинг манбалари, млн. долл.

«Ўзавтосаноат» АК	Тикланиш ва тараққиёт фонди	Тижорат банклари	Хорижий инвестициялар	Жами
303	14,9	173,1	57,9	538

Манба: <http://www.12.uz/ru/news/show/economy/5471/#>

Модернизациялаштириш лойиҳаларини татбиқ этиб, фаолият юритаётган маҳаллийлаштириш корхоналари қувватларини ошириш билан миллий автосаноатимиз ҳам мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини, истисодиёт устивор йўналишларининг юксалишини, аҳоли турмуш шароитларининг сифати ўсишини таъминаш вазифаларни бажарилишига ўз ҳиссасини қўшади. Ҳозирги вақтда қатор қўшма корхоналар импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналган. Мисол учун автомобил ўриндиқлари тайёрланадиган «ЎзТонгХонг» қўшма корхонасида ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш режасига кўра 2009-йилда қувватни 270 мингтагача автокомпонентлар ишлаб чиқаришга ошириш лойиҳаси амалга оширилди. «ЎзКорам» қўшма корхонаси ҳам худди шундай вазифани ўз олдига қўйиб, бу ерда бамперлар ва асбоблар панеллари ишлаб чиқарилишини лойиҳа қувватигача етказишга эришилди.

«ЎзДонгЯнг» корхонасида янги технологиялар ва маҳсулотларни ўзлаштириш давом этмоқда, бу ерда шу йилнинг ўзида ишлаб чиқариш лойиҳа қувватига эришиш режалаштирилмоқда. Режа бўйича бу ерда ҳам автомобиллар ички жиҳозланиши 270 минг деталларини йиғиш мўлжалланмоқда. «ЎзКоджи» қўшма корхонаси ҳам шу каторда, бу ерда автомобил электржгутлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш давом этмоқда.

2011 йилда GM корпорацияси билан ҳамкорликда янги қўшма корхона - GM Powertrain Uzbekistan ишга туширилди.²⁶ «Jeneral Motors Pauertreyn O‘zbekiston» («GM Powertrain Uzbekistan») ЁАЖ – Америка автоконцерни ва ўзбек автосаноати ҳамкорлигида яратилган иккинчи қўшма корхона ҳисобланади. JiEm Pauertreyn Evropa Компанияси моторлар, трансмиссияларни лойиҳалаштириш ва яратиш ҳамда уларни турли бозорлар ва мамлакатлар учун мослаштириш йўналишида бой тарихга эга. Шу билан бирга, фақатгина GM концерни шахсий эҳтиёжлари учун эмас, балки жаҳоннинг бошқа автомобил брендлари учун ҳам иш юритади.

Бу қўшма корхонанинг асосий маҳсулотлари—1.0, 1.2, 1.4 и 1.5 литр ҳажмли двигателлар ҳисобланади. Заводнинг ишлаб чиқариш қуввати — йилига 360 минг дона двигателни ташкил этади. “GM Powertrain Uzbekistan” маҳсулотлари ички бозорда ҳамда ташқи бозорда сотишга мўлжалланган. Янги ҚКда 1200 иш ўринлари яратилиши мўлжалланган, бу эса аҳолини иш билан таъминлаш билан бир қаторда, Асака автомобил заводи ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ёрдам беради. Янги қўшма корхона мустақил, лекин «GM Uzbekistan» билан яқин ҳамкорликда фаолият юритувчи корхона ҳисобланади.

GM Корпорацияси сўнги йилларда ўсиш стратегиясининг асосий элементи сифатида илғор ўринларни эгаллаш мақсадида жадал ривожланаётган жаҳон бозорида ўз маҳсулотини тез суръатда илгари суришдан фойдаланмоқда. «Дженерал Моторс Узбекистан» ҚК автомобил саноати ва умуман, Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. Шу билан бирга, ҚК Шевролет брендини Марказий ва Шарқий Европада сотиш ва барқарор ўсиб боришида GM корпорациясига ёрдам кўрсатади.

2011 йилда белгиланган автомобилсозлик соҳасини ривожлантириш устувор йўналишлари қаторида «GM Узбекистан» ЁАЖ ва «СамАвто» МЧЖ бош корхоналарининг тегишли стратегик шериклари – Американинг

²⁶ <http://nav.uz/>

«Дженерал Моторс» ва Япониянинг «Исузу Моторс» корпорациялари билан ҳамкорликларини янада чуқурлаштириш кўрсатилган. Барча мавжуд маҳаллийлаштириш корхоналарини модернизациялаштириш ва техник қайта жиҳозлаш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари қаторини ошириш давом эттирилади.

Ҳозирги вақтда "ЎзДЕУавто"да компания эҳтиёжлари учун маҳсулот ва хизматларнинг доимий етказиб берувчилари сафига мумкин қадар кўпроқ ИСО 9001:2000 талаблари бўйича сифат менежменти тизимини ўзига жорий этган корхоналарни киритиш тўғрисидаги масала устида ишламоқда. Профессионализм ва ишга нисбатан талабчанлик билан ёндашув - муваффақият гарови бўлмоқда. «Шевролет» русумининг мамлакат ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам оммалашуви факат шуни тасдиқлайди.

Жаҳондаги етакчи ривожланган мамлакатлар юқори мавқега эга компаниялари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишга, жаҳон стандартлари даражасида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни мақсад қилиб, сифат жиҳатидан мукамал янги корхоналарнинг яратилишига асосланган илгари бориш стратегияси, ўзининг натижаларини бермоқда.

2009-2011 йилларда автомобиллар экспортининг башорат кўрсаткичлари ошириб бажарилди. Европа бизнес Ассоциациясининг автоишлаб чиқарувчилар қўмитаси маълумотларига кўра, GM Uzbekistan ўзбек-америка кўшма корхонаси 2010 йилда Россияда енгил ва тижорат автомобилларини сотиш бўйича етакчи ўнликка, Nexia ва Matiz автомобиллари эса анъанавий равишда иномаркаларнинг биринчи бешлигига киради. 2010 йилда Uz- Daewoo автомобиллар сотуви Россияда 45 %, Украинада – 20 %, Белорусия ва Қозоғистон бозорларида – бир неча баробар ошди.²⁷

«Ўзавтосаноат» АК раҳбарияти томонидан 2012 йилда белгиланган автомобилсозлик соҳасини ривожлантириш устувор йўналишлари қаторида барча мавжуд маҳаллийлаштириш корхоналарини модернизациялаштириш

²⁷ <http://uzavtosanoat.uz/content/view/181/1/lang.ru/>

ва техник қайта жиҳозлаш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари каторини ошириш давом эттирилди. Масалан, 2012 йилда GM Powertrain - Uzbekistan қўшма корхонасида дастлабки 32 минг дона двигателлар ишлаб чиқарилган (9-жадвал).

9-жадвал. “Ўзавтосаноат” АК заводларида ишлаб чиқариш динамикаси

Заводлар	2010 йил	2011 йил	2012 йил
«GMUzbekistan» ҚК	217000	222000	236000
МЧЖ «JV MAN AutoUzbekistan»	414	534	1018
МЧЖ «СамАвто»	1948	2019	2381
«GM Power train - Uzbekistan» ҚК	-	-	32000

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

Ўзбекистон учун умуман янги технологияларни татбиқ этиш, шу жумладан, фаралар ва фонарлар, иссиқлик алмашувчи, енгил автомобиллар учун осма элементларини ишлаб чиқариш ташкил этилаётган янги маҳаллийлаштириш корхоналарида йўлга қўйилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда автомобиллар барча деталларини маҳаллийлаштириш даражаси 65 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткични анча ошириш режалаштирилган, бу эса ишлаб чиқарувчиларга чет элдан маҳсулот олиб келишни янада камайтириш имконини беради. Бизнинг корхоналаримиз бамперлар, ойналар, глушителлар, жгутлар (электр симлари), салон ва эшиклар қопламалари ҳамда салон учун қатор майда деталларни ишлаб чиқармоқдалар.

Учта бўлинмалар – эҳтиёт қисмлар, автосервис, инженерия бўлинмаларининг бир-бири билан яқин боғлиқликда олиб бораётган ишлари GM Узбекистан ЁАЖ автомобиллари барча модел ва модификациялари учун эҳтиёт қисмлар билан бозорни таъминлашга қаратилган.

Автомобилсозлик соҳасидаги ютуқлар, маҳсулотларнинг халқаро бозорда тан олинishi – Ўзбекистон иқтисодиёти истиқболли ривожланишининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Автомобилсозлик соҳасининг жадал ривожланиши давлат, ишлаб чиқарувчилар ва умуман, бутун жамиятнинг стратегик манфаатларига жавоб беради.

Шунингдек кўпгина мамлакатларда ишлаб чиқаришни тўхтатишга олиб келган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ишлаб чиқаришга ва автомобиллар сотувига салбий таъсири шароитида пухта ўйланган ва ўз вақтида кўрилган чоралар туфайли бизнинг мамлакатимизда автомобиллар ишлаб чиқариш ва сотиш суръатларини сақлаб қолишга эришилди.

Прогноз бўйича 2012 йилда Ўзбекистонда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 8,6% ни ташкил қилади. Саноат ўсиши давлат раҳбари томонидан тасдиқланган, 2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастурини амалга оширишни таъминлаш билан белгилаб берилган.

Ушбу муҳим ҳужжат саноат секторини барқарор, динамик ва мувозанатланган ривожлантиришга, асосий саноат тармоқларида таркибий туб ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган.

Ўзбекистоннинг муҳим саноат тармоқларини, шу жумладан ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ҳамда технологик янгилаш асосида машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Саноатни ривожлантириш дастури доирасида 2016 йилга келиб машинасозликнинг ялпи ҳажмини 20,4% га, озиқ-овқат саноатини - 17,2% га, енгил саноатни - 15,6% гача ошириш кўзда тутилган. Ушбу соҳаларнинг умумий саноат қутисига бўлган ҳиссаси 53,2% гача ошади.

АК «Узавтосаноат» бўйича 2013-2015 йилларга бажарилиш режалаштирилган инвестицион лойиҳалар сони 26 та бўлиб, уларни умумий нарҳи 352 575,0 минг АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу лойиҳаларнинг

аксарияти мавжуд ишлаб чиқаришни модернизация қилишга ва янги ишлаб чиқаришларни ташкил қилишга қаратилган (10-жадвал).

10-жадвал. АК «Узавтосаноат» бўйича 2013-2015 йилларга бажарилиш режалаштирилган инвестицион лойихалар

№	Лойиха ва инициаторларнинг(ташаббускорларнинг) номи	Лойиханинг умумий нархи минг АКШ долл	2013 йилда узлаштириш хажми минг АКШ долл
	Андижон вилояти	87 085,0	46 867,5
1	«Ласетти» автомобилнинг чикинди газлар тизимини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, СП «УзДонгВон»	795,0	797,5
2	Резинали зичлаштиргичларни ишлаб чиқариш локализациясини чуқурлаштириш, СП «УзДонгЖу»	3 000,0	2 000,0
3	«Ласетти» моделнинг бутлаш деталларини ўзлаштириш, СП «УзКорам»	650,0	650,0
4	Автомобиль ўриндикларининг салазка ва кияловчи механизминини ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш, СП «УзТонгХонг»	3 200,0	3 200,0
5	«Ласетти» автомобилнинг катта габаритли панелларини ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш, СП «УзСемюнг»	10 000,0	9 050,0
6	Евро-5 модификациясида «Матиз» и «Нексия» моделларини ўзлаштириш, ЗАО «ДжиЭм Узбекистан»	9 790,0	2 000,0
7	ЁАЖ «ДжиЭм Узбекистон» автомобилларига жгутлар ишлаб чиқариш кувватининг ошириш, СП «УзКоджи»	2 300,0	2 300,0
8	«Ласетти МСЕ» (фейслифт)модернизацияланган моделнинг ишлаб чиқарилишининг ўзлаштириш	23 400,0	8 000,0
9	Эскирган жихоз ва технологик оснасткаларни модернизациялаш ва алмаштириш, ЗАО «ДжиЭм Узбекистан»	16 250,0	12 270,0
10	Экстерьер ва интерьер бўялган пластик деталларини ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, ООО «УзКорам»	7 640,0	650,0
11	Оборудование для хромирования пластмассовых частей (1 этап), ООО «УзКорам»	1 800,0	1 800,0
12	Мавжуд орқа ўқларнинг ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш, СП «Уавто-Аустем»	3 450,0	3 450,0
13	«Кобальт» ва «Ласетти» моделлар зичлагиларининг ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, СП «УзДонгЖу»	1 200,0	700,0
14	ЁАЖ «ДжиЭм Узбекистон» янги моделларининг автомобиль ўриндикларига юкори мустаҳкам панелларини ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш, СП «УзТонгХонг»	3 610,0	
	Фарғона вилояти	2 120,0	1 560,0
15	Автомобиль ойналарини термоишлов бериш линиясини модернизациялаш, ООО «Автоойна»	2 120,0	1 560,0
	Наманган вилояти	1 300,0	700,0
16	«Ласетти» моделига фара ва ёритгичлар ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш, СП «УзЧасис»	1 300,0	700,0
	Тошкент шаҳри	14 770,0	9 890,0
17	Ойна кўтаргичларини ишлаб чиқарилишини ташкил этиш	9 770,0	4 890,0
18	компаундли полимер материалларни ишлаб чиқарилишини ташкил этиш	5 000,0	5 000,0
	Тошкент вилояти	130 000,0	10 000,0
19	МИЗ «Ангрен»да чуғун куйиш ишлаб чиқарилишини ташкил этиш	80 000,0	10 000,0
20	Чўян деталларга механик ишлов бериш ишлаб чиқарилишини ташкил этиш	25 000,0	
21	МИЗ «Ангрен»да тормоз тизимининг элементларини ишлаб чиқарилишини ташкил этиш	25 000,0	
	Самарканд вилояти	26 700,0	4 400,0
22	Юк автотранспорт воситаларини кабинасини йиғиш ва	16 000,0	2 000,0

	локализациясини ўзлаштириш, СП «JVMANAUOUzbekistan» и ООО «UZAUTOTRAILER»		
23	Юк автомобилларининг кабинасини йиғиш ва бутловчи деталларини ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш, СП «УзХанву», МЧЖ «Автоойна» ва СП «УзЧасис»	6 200,0	900,0
24	Юк автомобилларининг деталларини ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш (валидацион синовлар талб қилмаганларга) (МЧЖ «УзКорам» ва СП «УзДонгЯнг»	4 500,0	1 500,0
	Навоий вилояти	90 600,0	
25	Базавий ойна ишлаб чиқарилишини ташкил этиш	90 000,0	
26	ЭИИЗ «Навои»да автотраспортни сиқилган табиий газга ўтказиш учун капотости жихозларини ишлаб чиқарилишини ташкил этиш	600,0	

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, янги объектлар қурилишига 538 миллион доллар маблағ сарфланади. Маблағларнинг асосий қисмини, яъни \$303 миллионга яқинини “Ўзавтосаноат” уюшмаси, \$14,9 миллионни – Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, \$173,1 млн.ни тижорат банклари ва \$57,9 млн.ни – хорижлик сармоядорлар ажратади.

Автомобил двигателларини ишлаб чиқариш бўйича янги GM Powertrain Uzbekistan заводининг қурилиши республика автосаноатининг энг йирик лойиҳасига айланади. Дастлабки маълумотларга кўра, уни жорий йилнинг сентябрь ойида фойдаланишга топшириш ва йил охиригача заводда 2 мингга яқин двигатель ишлаб чиқариш режалаштирилган. Завод тўлиқ қувватга ўтганидан кейин 225-270 дона автомобил двигателини ишлаб чиқаришга қодир бўлади. Лойиҳанинг умумий қиймати \$521 млн.

Бундан ташқари, фаолият юритаётган корхоналарни модернизация қилиш ва тиклаш ишларига \$261,2 млн. йўналтирилади. Хусусан, 2012 йил Тошкентда “Мерседес-Бенц” шассилари базасида сифими катта автобусларни ишлаб чиқаришни бошлаш режалаштирилган. Ҳар йили мамлакатда 600 га яқин шундай автобуслар ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, мутахассислар ва истеъмолчиларнинг эътибори 2012 йилдан бошлаб амалга оширилиши кўзланаётган автосаноатнинг иккита лойиҳасига қаратилган. Хусусан, сиқилган табиий газда ишлайдиган «Ласетти»

моделини ишлаб чиқаришга ўзлаштириш ишлари якунланади, йилига 5 мингга яқин бундай машина ишлаб чиқарилади. 2013 йилда эса «Нексия» синфига мансуб янги моделдаги енгил автомобиллар ишлаб чиқарилиши бошланади. GM Uzbekistan заводи лойиҳа қувватига ўтганидан сўнг ҳар йили 100 мингга яқин автомобил ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Иккала лойиҳанинг умумий қиймати \$139 млн.дан ошади.

Умуман Ўзбекистонда 2015 йилга қадар ишлаб чиқариладиган енгил автомобиллар сонини 1,5 бараварга ошириш ва уни 260 минггача етказиш, автобус ва юк машиналари ишлаб чиқаришини эса 1,3 бараварга ошириб, 3,2 минггача етказиш кўзда тутилган.²⁸

3-боб бўйича хулоса

Иқтисодиётда фан ва техникага ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишини ҳал қилувчи омили сифатида қаралади. Фан ва техникани ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этилиши, инсоннинг интеллектуал салоҳиятини ривожланишига, турмуш тарзининг юксалишига, саноатнинг кенг ривожланишига имконият яратди ва жамиятнинг социал структурасига ижобий таъсир кўрсатади.

Ривожланишнинг инновацион типи (ингл. Innovation model of development, нем. Innovationsentwicklung) – ижтимоий ишлаб чиқаришда янги илғор технологияларга урғу бериш, юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, микро ва макроиқтисодий жараёнларда илғор ташкилий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш- технопарк , техно полис, кам энергия талаб технологиялардан фойдаланиш сиёсати, ишлаб чиқариш фаолиятини интеллектуалаштириш, иқтисодиётни софтлаштириш ва сервислаштириш билан характерланади.

Инновацион иқтисодиётда асосий ўрин юқори ишлаб чиқариш, илм талаб технологияларига ва инсон фаолиятининг турли соҳаларини инновацион ташкил этишга, иқтисодиётда инновацион тизимни

²⁸ <http://uzavtosanoat.uz/content/view/183/1/lang,ru/>

шакллантиришга, компьютер технологиялари ва телекоммуникация тизимларига қаратилади.

Жаҳон хўжалиги ривожланишининг замонавий босқичида мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни уларнинг тараққиётнинг инновацион жиҳатларини яратиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, илмий-техник тараққиёт ютуқларидан амалиётда фойдаланиш қобилияти билан аниқланади.

Муваффақиятли инновацион ривожланишга таъсир қилувчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ)га юқори харажатлар;
- инновацион инфратузилманинг мавжудлиги;
- тадқиқот марказлари ва бизнес ўртасидаги алоқа;
- давлатнинг рағбатлантирувчи роли;
- илғор ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиш;
- ижодий турдаги юқори малакали ресурсларнинг мавжудлиги.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Замонавий иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили бўлиб инновацион ривожланиш ҳисобланади. Инновация – бу фан ютуқларидан ва илғор тажрибадан фойдаланишга асосланган техника, технология бошқарув соҳасида янгилик киритиш, ва шунингдек бозорда тан олинган моддийлашган энг янги илмий ғоядир. Бу тушунчага янада кенгроқ ёндашиш ҳам мумкин: бу ғоялар, изланишлар, ишланмалар трансформацияси натижаси, ижтимоий ишончга кишиларнинг амалий фаолиятида қўллаш орқали интилувчи янги ёки такомиллаштирилган илмий-техник ёки ижтимоий-иқтисодий ечим. Менежментда инновациялар харидорлар томонидан янги ёки янада такомиллашган деб қабул қилинувчи нафларни таклиф этувчи товарлар ёки хизматларни яратиш ва тақдим этиш деб таърифланади. Бироқ, инновацияларга тегишли асосий хусусиятларга янгилик; бозор талабини қондириш; тижорат орқали сотиш киради.

Инновацион фаолият тараққиёти бир текис ривожланувчи жараёндир. Доим мазкур соҳада асосий қўшимча ўсишни таъминлаган етакчи тармоқлар, тармоқости соҳалар ва корхоналар мавжуд. Мамлакатда компанияларнинг инновацион фаоллик даражаси маҳсулотлар, хизматлар, технологик жараёнларнинг янги ёки такомиллаштирилган турларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш билан шуғулланувчи корхоналарнинг умумий корхоналар сонига нисбати сифатида аниқланади. Инновацион инфратузилма фундаментал ва амалий тадқиқотларни, лойиҳавий, тажриба-конструкторлик ва технологик ишланмаларни, лойиҳаларни бевосита амалга оширувчи ёки уларга хизмат кўрсатувчи, шунингдек илмий-техник фаолиятга молиявий, маркетинг, ахборот-маслаҳат, ҳуқуқий ва бошқа хизматларни кўрсатувчи, ўз функциялари ва мулкчилик шакллари бўйича турли кўринишдаги институционал тузилмалар тармоғини ифодалайди.

Ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатларда илмий-техник тараққиётнинг жадаллашиши ва тарқалиши миллий, минтақавий ва тармоқ

даражасида инновацион тизимларнинг шаклланишига ва амал қилишига кўмаклашди. Инновацион тизим таркибига қуйидагилар киради:

- инновацион жараённинг бевосита иштирокчилари;
- инновацион фаолият билан шуғулланувчи ёки уни қўллаб-қувватловчи институтлар;
- давлат бошқарув органлари;
- инновацион фаолият олиб борилаётган муҳит;
- ушбу жараён иштирокчилари ўртасидаги ўзаро алоқалар;
- ахборот тарқатиш, технологиялар трансферти ва инновацияларни ёйиш каналлари;
- инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган барча ресурслар йиғиндиси сифатида инновацион салоҳият.

Ҳозирги замон иқтисодиётида рақобатдошлик даражасини ошириш масаласига инновацион ёндашиш талаб этилади. Инновацион технологияларни, замонавий илмий ютуқларни саноат тармоқларига жадал жорий қилиш орқали жаҳон хўжалиги тизимида миллий иқтисодиётнинг ихтисослашувини кенгайтириш ва саноат ишлаб чиқариши таркибини диверсификация қилиш имконини берадиган янги рақобат устунликларини яратиш зарур.

Халқаро рақобатга яхши бардош берувчи маҳсулотнинг кўп қисми нисбатан замонавий техника ва технологиядан фойдаланувчи, янги бошқарув ва ташкилий ечимларни жорий қилувчи ташкилотларда ишлаб чиқарилади.

Айрим ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётли мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, инновацион жараённи хорижий инвестициялар, лекин ҳар қандай эмас, балки узоқ муддатли ҳамда янги технологиялар ва замонавий менежмент билан бирга кириб келувчи инвестициялар ёрдамида жадаллаштириш мумкин. Ушбу мезонларга фақат бевосита хорижий инвестициялар жавоб беради.

Иқтисодиётнинг саноат тармоқлари инновацион фаоллигини ошириш ва рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш

хамда ҳаётга кенг жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Саноатда инновацион фаолият юрита оладиган кадрлар тайёрлаш, тармоқларда илғор технологияларга асосланган чуқур технологик модернизациялаш ва инновацион ривожлантиришни амалга ошириш, янги технологияларни яратиш имконини берувчи тизим билан характерланади.

Кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Мамлакатни модернизациялаш, саноат тармоқлар рақобатбардошлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иқтисодий ўсишини таъминлашда инновацион фаолиятни рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарининг инновацион ривожланиш йўналиши турли хил омилларга асосланган ўзаро боғлиқ жараёнларни ўзида намоён этади. Ушбу жараёнлар хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий самарадорлигига турлича таъсир кўрсатади.

Саноат тармоқларида инновацион ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатувчи омилларга қарши курашиш ва инновацион фаолликни ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, техника ва технологияларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш учун тўлиқ янги технологик жараёнларни яратиш ва қўллаш орқали маҳсулот сифатини ошириш, хом-ашёдан фойдаланишни яхшилаш ва хом-ашё базасини кенгайтириш;

– ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, техник ва иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида мавжуд тизимни такомиллаштириш;

– ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш даражасини ошириш, технологик жараёнларни бошқаришда автоматлашган тизимни яратиш;

– тармоқда ихтисослашув ва кооперация алоқаларини янги усулларида кенг фойдаланиш.

Иқтисодиётда фан ва техникага ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишини ҳал қилувчи омили сифатида қаралади. Фан ва техникани ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этилиши, инсоннинг интеллектуал салоҳиятини ривожланишига, турмуш тарзининг юксалишига, саноатнинг кенг ривожланишига имконият яратди ва жамиятнинг социал структурасига ижобий таъсир кўрсатади.

Ривожланишнинг инновацион типи (ингл. Innovation model of development, нем. Innovationsentwicklung) – ижтимоий ишлаб чиқаришда янги илғор технологияларга урғу бериш, юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, микро ва макроиқтисодий жараёнларда илғор ташкилий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш- технопарк , техно полис, кам энергия талаб технологиялардан фойдаланиш сиёсати, ишлаб чиқариш фаолиятини интеллектуаллаштириш, иқтисодиётни софтлаштириш ва сервислаштириш билан характерланади.

Инновацион иқтисодиётда асосий ўрин юқори ишлаб чиқариш, илм талаб технологияларига ва инсон фаолиятининг турли соҳаларини инновацион ташкил этишга, иқтисодиётда инновацион тизимни шакллантиришга, компьютер технологиялари ва телекоммуникация тизимларига қаратилади.

Жаҳон хўжалиги ривожланишининг замонавий босқичида мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрни уларнинг тараққиётнинг инновацион жиҳатларини яратиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ

этиш, илмий-техник тараққиёт ютуқларидан амалиётда фойдаланиш қобилияти билан аниқланади.

Муваффақиятли инновацион ривожланишга таъсир қилувчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ)га юқори харажатлар;
- инновацион инфратузилманинг мавжудлиги;
- тадқиқот марказлари ва бизнес ўртасидаги алоқа;
- давлатнинг рағбатлантирувчи роли;
- илғор ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиш;
- ижодий турдаги юқори малакали ресурсларнинг мавжудлиги.

Иқтисодийнинг юқори технологик тармоқларини шакллантириш инновацион фаолликни ривожлантиришни, энг аввало ҳозирги шароитларда тез ўзгараётган бозор конъюнктурасини ҳисобга олган бозорга машиналарнинг техник-технологик, базавий тизимларини, янги турдаги маҳсулотларни тизимли йўналтиришни талаб қилади. Инновацион фаоллик барча бошқарув даражаларида ва айниқса микродаражада ишлаб чиқилган тегишли инновацион сиёсат ва стратегияни тақозо этади.

Инновацион маҳсулотни, патентларни, интеллектуал мулк объектларига эгалик ҳуқуқларини сотишдан, шунингдек ИТТКИ ва инновацион технологияларга тўғри ва портфел сармоялардан олинган фойдадан ажратмалар кўринишида инновацион-инвестицион ресурсларни олиш учун керакли шарт-шароитларни яратиш муҳим. Шу сабабдан такрор ишлаб чиқаришнинг инновацион-инвестицион жараёнлари билан боғлиқ ўзаро молиявий, кредит ва бюджет муносабатларининг бутун тизимида меъёрий-ҳуқуқий базани ривожлантириш ва мустаҳкамлаш зарур.

Замонавий шароитларда корхоналарни иқтисодий ривожлантиришнинг янги моделини шакллантириш амалга оширилмоқдаки, унинг энг муҳим тавсифларидан бири инновацион жараёнларни фаоллаштириш ҳисобланади. Шунга боғлиқ равишда Ўзбекистонда миллий инновацион тизим (МИТ)ни

шакллантириш нафақат илмий-техник соҳанинг, балки миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Давлат томонидан тартибга солиш тизимининг унсури сифатида иқтисодиётни инновацион ривожлантириш дастури қуйидагиларга эга бўлиши керак:

- иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг аниқ ифодаланган мақсадлари;
- шакллантирилган мақсадларга эришишни таъминловчи функцияларни бажарувчи бошқарув органлари;
- бошқарув функцияларини амалга ошириш учун етарли бўлган тартибга солиш объектининг ахборот кўринишини шакллантирувчи тизим;
- тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш қуроллари, улар ёрдамида давлат бошқарув органлари корхоналарга ва муҳитга ўз функциялари доирасида таъсир кўрсатадилар.

Мавжуд илмий-техник салоҳиятдан самарали фойдаланиш фақат изчил ва узлуксиз амалга оширилаётган илмий-техник сиёсат ёрдамида бажарилиши мумкин. Мазкур сиёсат республиканинг реал ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларига мос келиши ва уни ривожлантиришнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга қаратилган бўлиши керак. Ишлаб чиқаришнинг жадаллаштирилган модернизацияси, корхоналарнинг техник ва технологик фойта қуроллантириш асосида замонавий қувватларни яратиш бугунги кунда жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга имкон беради.

Инновацион-технологик ривожланиш катта молиявий маблағларни ва маълум вақтни талаб қилади. Бу жиҳатдан устуворликлар иқтисодиётнинг халқаро савдода анъанавий устунликларга эга тармоқларини жадал ривожлантиришга берилади. Бу қишлоқ хўжалиги ва минерал хомашёни ишлаб чиқариш ва чуқур қайта ишлов бериш бўйича меҳнат ва ресурсталаб тармоқлардир. Инновацион ривожланишнинг амалга оширилиши ҳар бир алоҳида тармоққа нисбатан мақсадга йўналтирилган саноат сиёсатини назарда тутди. Илмий-техник салоҳиятнинг самарадорлиги муаммосини ҳал

етишда юқорисамарали илмий-техник маҳсулотни ишлаб чиқишнинг ҳар бир бўғинида – ғоялар, тажрибавий намуна туғилишидан бошлаб то уларни ишлаб чиқаришга жорий этишгача ва маълум бир иқтисодий самара олишгача бўлган соҳадаги ишларни фаоллаштиришга куч-қувват ва маблағларни тўплаш алоҳида аҳамиятга эга.

Илмий-техник соҳада хорижий иштирокнинг самарали шакли бўлиб кўшма инновацион тузилмаларни тузиш ҳисобланади. Айни вақтда тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш уларни маълум даражада чеклаш билан бирга олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, ишлаб чиқариш инфраструктурасини (энергия тармоғи, қувурўтказгичлар, телекоммуникациялар, йўлдош ва махсус алоқалар ва х.к.) ривожлантиришга қаратилган илмий-техник ва тажриба конструкторлик тузилмаларда ва ишланмаларда хорижий шерникларнинг иштирок этишини чеклаш зарур. Ушбу соҳаларда хорижий иштирокнинг бошқа шаклларида, масалан хорижий кредитлар ва қарзлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг фикримизча, инновацион сиёсатнинг инновацион йўналтирилганлигини кучайтириш ва уни фаоллаштириш қатор кечиктириб бўлмайдиган қуйидаги вазифаларни кўзда тутати:

- ихтирочилик ва новаторликни ҳар томонлама иқтисодий қўллаб-қувватлаган ҳолда илмий-техник дастурларни амалга оширишнинг инновацион-мотивацион механизмларини такомиллаштириш;

- “фан-ишлаб чиқариш” замонавий тизимини шакллантириш, бунда унинг алоҳида бўлинмаларини (тадқиқот, конструкторлаш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш ва ўзлаштириш) сармоялаш таркибини жиддий яхшилаш кўзда тутилади;

- фундаментал тадқиқотларни ривожлантиришга йўналтирилаётган инвестициялар улушини кўпайтириш.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги sanoat корхоналари инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш, мамлакат табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш, sanoat

корхоналарининг экспорт салоҳиятини ва мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятини ошириш, тармоқнинг фаолиятини барқарор ривожлантириш пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсишига имкон яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Хорижий инвесторлар ҳуқуқлари ҳимояси кафолатлари ва чоралари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори 16.07.2008
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги ПҚ 1731 сонли “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли “2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш устуворликлари тўғрисида”ги Қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 10.04.2012.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

9. И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва

модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

10. И.А.Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. “Халқ сўзи” газетаси, 20 январ 2012 йил.

11.Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

12. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. //Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

13. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». - Т.:Ўзбекистон, 2009.

14.Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни давом эттириш – давр талаби». «Халқ сўзи», 2009 йил 14 феврал.

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

15.Постановление Агентства по внешним экономическим связям, Министерства финансов, Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан от 11 ноября 2004 года №№ ЭГ-01/10-4238, СР/13-01/3-46/128, 01-02/20-35 «О внесении дополнений в Перечень стран, с которыми подписаны Соглашения о торгово-экономическом сотрудничестве с предоставлением режима наибольшего благоприятствования». Зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан 14 января 2005г. Регистрационный № 426-4.

IV. Асосий адабиётлар

16.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил

Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – “Ўқитувчи” НМИУ, 2012. – 282 б.

17.G.G'. Nazarova, N.M.Salixova. Jahon iqtisodiyotining globallashuvi. O'quv qo'llanma. T.: TDIU, “Iqtisodiyot”, 2011. - 320 b.

18.Nazarova G. va boshqalar. Xalqaro menejment. Darslik. T.: TDIU, 2011.

19.Чепель С.В. Роль институционального фактора в обеспечении условий перехода к инновационной модели экономического развития. //Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. – Т.: SMI - ASIA, 2011.

20.Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш /ЎЗР ФА Иқтисодиёт институти; А.Ф.Расулевнинг таҳрири остида, - Т.:KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011.

21.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услугий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт. – 2011.

22.Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010.

23.Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб. пособие. - М.: Магистр, 2009. - 397 с.

24.А.А.Исаджанов. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Т.: ЖИДУ, 2008.

25.Назарова Г.Г. ва бошқалар. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. Т.: МЧЖ “РАМ-S”, 2007.

26.Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш муаммолари:назария ва амалиёт/ муаллифлар жамоаси:Р.Алимов, А.Расулев, А.Қодиров ва бошқ. –Т.:Konsauditinform-Nashr. 2006.

27. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации. Учебник. М.: ЗАО «Экономика», 2007. — 359 с.

28. Freeman C. Technology Policy and Economic Performance. L.: PrinterPublishers, 1987.

V. Қўшимча адабиётлар

29. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов / отв.ред. М.П. Нарзикулов. –Ташкент: BaktriaPress, 2012. С. 8.

30. Каюмова Н.О. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жараёнларини эконометрик тадқиқоти. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: ТДИУ, 2012.

31. Назарова Р.Р. Управление внешнеэкономической деятельностью в Узбекистане на основе инновационного развития в условиях глобализации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук..Т.: ТГЭУ, 2011.

32. Артемьев И.Е. Рынки технологии в мировом хозяйстве. - М.: Наука, 2009.

33. Коротаяев А.В. Новые технологии и сценарии будущего, или Сингулярность уже рядом? - М.: Издательство ЛКИ/URSS, 2009.

34. Мировая экономика: прогноз до 2020 года /под ред. акад. А.А. Дынкина – М.: Магистр, 2008.

35. Кузык Б.Н., Яковец Ю.В. Россия- 2050. Стратегия инновационного прорыва. М. «Экономика». 2004.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

36. Э.Р. Ахмедова, М.Л. Мирзаева. Некоторые аспекты инновационного развития машиностроительного комплекса Узбекистана. «Миллий иқтисодийётнинг инновацион ривожланишининг институционал

императивлари» Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. I-бўлим. Т.: ЎзФА Иқтисодиёт институти, 2012.

37. Карачаровский В. Конкуренция капитала и новая экономика // Экономист. 2012. №12.

38. Эпоха перемен. // Экономическое обозрение, 2011, №7-8 (141).

39. Г.Федяшева, Е.Орлова. Промышленность Узбекистана за годы независимости: от сырьевых отраслей к высокотехнологичному производству. // Бозор, Пул ва Кредит. 2011, №10 (173).

40. Б.Ғойибназаров, Ш.Отажонов. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни шакллантиришда илғор илм-фан ютуқлари ва инновацияларга асосланган кичик бизнесни ривожлантириш истиқболлари. // Иқтисодиёт ва таълим. 2011, №5.

41. Шаакрамов Қ. Глобаллашув шароитида мамлакатнинг индустриал-инновацион ривожланиши ва иқтисодий ўсиш омиллари. // Иқтисодиёт ва таълим. 2008, №4.

42. Мухитдинов Х. Ўзбекистон иқтисодиётини инновацияли ривожлантириш истиқболлари. // Иқтисодиёт ва таълим. 2008, №4.

43. Макаров В. Контуры экономики знаний. // Экономист. 2003. № 3.

44. Матеров, И. Факторы развития «новой экономики» в России // Экономист. 2003. № 2.

45. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1991-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Статистический сборник. – Т.: «Узбекистан». 2011.

46. Основные показатели развития научно-технического потенциала и инноваций Республики Узбекистан в 2010г. Статистический бюллетень. Госкомстат РУз. Ташкент, 2011г.

47. World Economic Outlook. IMF.

48. UNIDO Industrial Development Report.

49. UNCTAD World Investment Report -2009.

50. WIPO Statistics Database and World Bank (World Development

Indicators), June 2009

VII. Интернет сайтлар

51. www.gov.uz
52. www.mfer.uz
53. www.UzA.Uz.
54. www.review.uz
55. www.cer.uz
56. www.businesspress.ru
57. www.mfa.uz
58. <http://www.12.uz/ru/news>
59. <http://nav.uz/>
60. <http://uzavtosanoat.uz>

ИЛОВАЛАР



1-расм. Рақобатбардошлик кўрсаткичларининг гуруҳланиши ²⁹

1-жадвал

Ривожланишнинг ҳар бир босқичида асосий уч гуруҳ кўрсаткичларининг улуши, фоиз ҳисобида ³⁰

Субиндекслар	Ресурсларга йўналтирилган босқич	Самарадорликка йўналтирилган босқич	Инновацияга йўналтирилган босқич
Базавий талаблар	60	40	20
Самарадорлик кўрсаткичлари	35	50	50
Инновацион салоҳият ва ривожланиш омиллари	5	10	30


²⁹The Global Competitiveness Report 2009-2010 World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. p. 8.

³⁰The Global Competitiveness Report 2009-2010 World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. P. 8.

2-жадвал


**2009-2010 йиллар учун глобал рақобатбардошлик индекси бўйича
биринчи ва охири ўнликка кирувчи мамлакатлар³¹**

Мамлакатлар	2009-2010 й.		2008-2009 й.
	Ўрни	Балл	Ўрни
Швейцария	1	5,60	2
АҚШ	2	5,59	1
Сингапур	3	5,55	5
Швеция	4	5,51	4
Дания	5	5,46	3
Финландия	6	5,43	6
Германия	7	5,37	7
Япония	8	5,37	9
Канада	9	5,33	10
Нидерландия	10	5,32	8



2-расм. Иқтисодий ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш пировард натижаси

³¹The Global Competitiveness Report 2009-2010 World Economic Forum. Geneva, Switzerland 2009. P. 13.



3-расм. Ишлаб чиқаришни модернизациялашни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва воситалари³²

3-жадвал

ЯИМнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби, (фоиз ҳисобида)

Йўналишлар	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
ЯИМ жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Истеъмол	77,0	72,9	83,4	67,1	66,0	63,8	64,6	65,8	70,0	65,7	68,0
Ялпи жамғариш	26,8	24,2	15,9	23,0	24,8	22,6	31,0	28,8	20,4	26,5	28,9
Соф экспорт	-3,8	2,9	0,7	9,7	9,1	13,6	4,4	5,4	9,6	7,8	3,1

4-жадвал

ЯИМнинг тармоқ таркиби, (фоиз ҳисобида)

	1991	1995	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Иқтисодиёт жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Саноат	26,3	17,1	14,2	20,7	22,1	24,0	22,3	23,6	24,0	24,0	24,0
Қишлоқ хўжалиги	37,4	28,1	30,1	25,0	24,1	21,7	19,4	18,2	17,5	17,6	17,5
Қурилиш	10,4	7,1	6,0	4,9	5,1	5,5	5,6	7,4	6,4	6,1	5,9
Хизматлар	26,2	34,6	37,2	38,4	39,5	39,3	43,3	44,1	45,1	44,5	44,9
Соф эгри солиқлар	-0,3	13,1	12,5	11,0	9,2	9,5	9,7	6,7	7,0	7,8	7,7

³² Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке / «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май.

5-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилда ривожлантиришнинг
макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози (олдинги йилга нисбатан
фоизда)**

Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	108,2	108,0
Саноат маҳсулотлари чиқариш	107,7	108,4
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	107,0	106,0
Капитал қуйилмалар ҳажми	111,6	109,3
Чакана савдо айланмаси	113,9	113,8
Хизмат кўрсатиш ҳажми	114,2	116,0
Истеъмол нархлари индекси	107,0	107-109
Давлат бюджети камомати (ЯИМга нисбатан фоизда)	+0,4	-1,0
Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси (йиллик)	12	12

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари;
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 йилга асосий макроиктисодий
кўрсаткичлар ва давлат бюджети параметрлари прогнози тўғрисида”ги ПҚ-1887 сонли
қарори, 2012 йил 25 декабрь.

6-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида саноат ривожланишининг 2011-2015
йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари³³**

	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Саноатнинг ЯИМ даги салмоғи (фоиз ҳисобида)	23,9	24,1	24,8	25,8	26,8	28,0
Тайёр маҳсулотнинг саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги салмоғи, %	50,6	51,7	53,6	56,2	58,7	61,2
Саноатга киритиладиган инвестициялар ҳажми, млн. АҚШ доллари	2 668,9	3 207,9	3 923,9	4 891,1	6 118,9	7 531,6
Саноат маҳсулоти экспортининг саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмидаги салмоғи, %	38,0	42,3	46,1	51,8	58,0	63,2
Умумий экспорт таркибида саноат маҳсулоти экспортининг улуши, %	51,1	61,7	62,5	65,3	69,7	71,8

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси
саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги №ПҚ-1442 сонли Қарори.

7-жадвал

Асосий турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш прогнози


№	Саноат маҳсулотлари турлари	Ўлчов бирлиги	2012	2013 (прогноз)	2014 (прогноз)	2015 (прогноз)
1	Енгил автомобиллар	минг дона	235,5	245,0	250,0	260,0
2	Автобус ва юк автомобиллари	минг дона	3,7	3,0	3,1	3,2
3	Кучли ток кабеллари	минг км	13,6	13,5	14,0	14,5
4	Музлаткичлар	минг дона	17,8	90,0	95,0	110,0
5	Телевизорлар	минг дона	26,7	105,0	109,0	112,5
6	Энергия тежовчи чироқлар	минг дона	2007,6	28400,0	28700,0	28870,0
7	Калий ўғитлари	минг тонна	125,3	200,0	300,0	450,0
8	Калцийланган сода	минг тонна	92,0	100,0	100,0	100,0
9	Қурилиш ойнаси	минг кв.м.	13051,4	12140,0	12530,0	13000,0
10	Керамик плиталар	минг кв.м.	4350,0	3800,0	4500,0	5800,0
11	Пахтадан ип-калава	минг тонна	140,6	345,6	435,2	524,0
12	Тайёр газмоллар	млн.кв.м.	56,4	241,4	268,2	304,0
13	Трикотаж буюмлар	млн.дона	64,6	132,7	162,3	241,3
14	Пайпоқлар	млн.жуфт	3,2	30,2	42,1	48,0

Изоҳ: Прогноз кўрсаткичлари “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Дастур параметрларидан олинган.


8-жадвал

2013 йилда фойдаланишга топшириладиган янги объект ҳамда модернизация ва реконструкция қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари

№	Тармоқлар ва соҳалар	Фойдаланишга топшириладиган объект ва ишлаб чиқариш қувватлари сони	Яратиладиган ишчи ўрин, киши
1	Нефть-газ саноати	6	244
2	Энергетика саноати	9	40
3	Тоғ-металлургия саноати	10	446
4	Кимё саноати	3	944
5	Металл ва металлни қайта ишлаш саноати	4	114
6	Кўмир ишлаб чиқариш саноати	2	180
7	Автомобилсозлик саноати	13	283
8	Электротехника саноати	6	279
9	Қурилиш материаллари саноати	10	1356
10	Енгил саноат	9	2210
11	Чарм пойабзал саноати	2	98
12	Озиқ-овқат саноати	15	705
13	Фармацевтика саноати	14	860
14	Транспорт соҳаси	6	92
15	Бошқа соҳалар	6	698
	Жами	115	8549



4-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда³⁴




5-расм. Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаётган омиллар³⁵

³⁴ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

³⁵ Қуйидаги манба асосида тайёрланди: ЎзР Марказий Банки расмий сайти – <http://www.cbu.uz/uzc/node/39959>


9-жадвал. Ўзбекистонда иқтисодийнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, фоизда

Кўрсаткич	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Саноат ишлаб чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	14,2



6-расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо кўрсаткичлари динамикаси, млрд.долл.³⁶

³⁶ Қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-б; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/



7-расм. Мамлакатимизда 2012 йилда экспорт қилинган товар ва хизматларнинг таркиби

10-жадвал. 2012 йил якунларига кўра Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркиби, млн.долл.³⁷

Экспорт таркиби	Жами		
	2012 йил учун	2011 йилга нисбатан (%) да)	натижага нисбатан (%) да)
Жами:	13150,1	111,6	100
пахта толаси	1259,7	93,5	9,6
озик-овқат маҳсулотлари	878,4	44,1	6,7
кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	764,8	91,2	5,8
ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	4921,2	177,1	37,4
қора ва рангли металлар	1055,2	94,6	8,0
машина ва ускуналар	917,7	91,9	7,0
хизматлар	2314,2	130,6	17,6
бошқалар	1034,9	48,8	7,9

³⁷http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

11-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда³⁸

Экспорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Пахта толаси	59,7	27,5	9,0	9,6
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	5,4	13,2	6,7
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	2,3	2,9	5,6	5,8
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	17,1	10,3	18,5	37,4
Қора ва рангли металллар	4,6	6,6	7,4	8,0
Машина ва ускуналар	1,7	3,4	6,7	7,0
Хизматлар	1,3	13,7	11,8	17,6
Бошқалар	9,4	30,2	27,8	7,9

12-жадвал. 2012 йил якунларига кўра Ўзбекистон Республикасининг импорт таркиби, млн.долл.³⁹

Импорт таркиби	Жами		
	2012 йил учун	2011 йилга нисбатан (%) да)	натигага нисбатан (%) да)
Жами:	12026,5	109	100
Озиқ-овқат маҳсулотлари	1187,5	119,4	9,9
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	1738,1	122,2	14,4
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	875	90,2	7,3
Қора ва рангли металллар	937,9	108,7	7,8
Машина ва ускуналар	5461,3	109,3	45,4
Хизматлар	730,3	130,1	6,1
Бошқалар	1096,4	88,9	9,1

³⁸ Манба: http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

³⁹ Манба: http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

13-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг импорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда⁴⁰

Импорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Машина ва ускуналар	12,1	35,4	41,3	45,4
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	9,7	13,6	13,3	14,4
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	3,1	3,8	8,1	7,3
Қора ва рангли металллар	10,2	8,6	8,1	7,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари	48,9	12,3	12,4	9,9
Хизматлар	1,5	8,5	5,3	6,1
Бошқалар	14,5	17,8	11,5	9,1

14-жадвал

Ўзбекистонда ресурслардан самарали фойдаланиш индикаторлари

Индикаторлар номи	Ўлчов бирлиги	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Мехнат унумдорлиги	%	98,0	104,5	104,5	106,8	106,0	105,3	105,7	105,2
Капитал қайтими	%	93,9	102,4	101,6	102,2	96,1	89,3	86,5	90,8
Энергия қайтими	%	101,4	105,7	105,4	107,1	106,3	104,8	106,2	106,4
Материал қайтими	%	102,7	103,5	99,7	102,3	108,7	102,2	101,8	101,0
Ҳосилдорлик	%		108,0	101,6	102,9	102,2	103,7	104,2	103,4
Ишлаб чиқариш омилларининг ялпи унумдорлиги	%	1,0	3,5	3,6	4,8	2,4	-0,2	1,0	2,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

⁴⁰ Қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-б; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

15-жадвал

**Ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида иқтисодиётнинг айрим
секторларининг улушини ўзгариши (фоизли пункт ҳисобида)**

Кўрсаткичлар номи	200 0	200 5	200 6	200 7	200 8	200 9	201 0	201 1
ЯИМ ўсиши – жами (%да)	3,8	7,0	7,3	9,5	9,0	8,1	8,5	8,3
Иқтисодиёт тармоқларини ЯИМ жами ўсишидаги улуши:								
Саноат	8,0	12,4	17,6	14,5	15,5	10,4	9,1	7,4
Қишлоқ хўжалиги	21,6	23,5	25,1	17,9	12,9	17,7	19,2	18,3
Қурилиш	3,8	7,5	9,8	8,7	5,1	23,0	6,4	6,7
Транспорт ва алоқа	23,3	19,5	17,7	18,4	21,9	7,0	14,2	16,3
Савдо ва умумий овқатланиш	13,3	10,4	13,7	19,0	16,1	15,5	20,8	20,9
Бошқа хизматлар	18,2	11,2	7,4	12,2	18,4	17,2	21,9	22,2
Билвосита солиқлардан субсидияларнинг айирмаси	11,9	15,5	8,7	9,3	10,0	9,2	8,6	8,3
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100

Манба: Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти материаллари.